Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 28-avgust, shanba № 70 (7679)

Da'vat

O'zini millatning, xalqimizning haqiqiy farzandi deb hisoblovchi har bir fidoyi inson bolalar sportini rivojlantirish masalasiga befarq bo'lmasligi kerak,

Islom KARIMOV

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

26 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси бошланди.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди. Депутат Т.Миркомилов хотирасига бир дақиқа сукут сақланди. Депутатлар сессиянинг кун тартибини тасдиқлади.

Молия вазири С.Раҳимов Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида маъруза қилди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А.Аҳадов ҳам қўшимча маъруза қилди.

Маърузалар юзасидан бўлган музокараларда Олтинсой тумани ҳокими Р.Алимов, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, «Ўзбекгеофизика» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Т.Бобожонов, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Одилов сўзга чиқди.

Мазкур масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари депутатларнинг эътиборини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш ва ижроси масалалари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигига қаратди. Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати амалга оширилганда қандай натижалар беришини халқимиз билиши керак. Бизга умумий гаплар эмас, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, энг муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этишга қаратилган аниқ прогнозлар керак. Бундай вазифалар қаторида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси алоҳида ўрин тутади.

(Давоми 3-бетда)

ҚАҲРАМОН МУАЛЛИМА



Qutlov

Яқинда таҳририятимизга мактуб йўллаган бир ҳамюртимиз ўз хатида ўтаётган йилимизни "Меҳр ва мурувват йили" дейиш билан бирга "Мактаб ва муаллимлар йили" ҳам дегим келади, дея ёзган эди. Бу самимий фикрга бугунги кунда ҳукуматимизнинг таълим-тарбия, айниқса мактабларга кўрсатаётган эътиборининг туб мазмун-моҳиятини тушунган ҳар бир юртдошимиз қўшилади.

Йиллар инсонни муродга етаклайверар экан. Мамлакат раҳбари ва ҳукумат таълим соҳасига шунчалик эътибор қаратаяптими, демак бу борада мазкур соҳа ривожига кўмак берадиган, юрт ишонган ва ишонадиган мутахассислар фаолият юритмоқда. Шу кунга қадар бевосита таълим соҳаси вакиллари – фарғоналик Манзура Мамадалиева, пойтахтлик Мавлуда Исматова, хивалик Вера Пак, жиззахлик Марат Зокиров ўз меҳнати қадрини кўришган, юксак унвон — Ўзбекистон Қаҳрамони деган улуғ номга сазовор бўлишган эди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги арафасида яна бир муаллим — Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактаби директори Анор Маҳмудова ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланди.

Кези келганда Анор Маҳмудова бу юксак унвонга бежизга эришмаганини таъкидлаш жоиз. Бу унинг педагогик фаолиятидаги қирқ йиллик меҳнати самараси бўлди. Заҳматли меҳнатининг қирқинчи довони унга бундай эътиборни ҳадя этди. Математика муаллими, ҳунар билим юрти директори, Гурлан шаҳар ХТБ мудири ва 1986 йилдан буён тумандаги 5-мактаб раҳбари вазифасида ишлаб келаётган Анор Маҳмудовани таълим-тарбия ходимлари ушбу юксак унвон билан қутлайди.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига биноан юртдошларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг фахрий унвонлари билан мукофотланиб, юксак орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда унинг нуфузини ошириш, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш, фан, маданият, адабиёт, санъат соҳаларини ривожлантириш, баркамол авлодни вояга етказиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган салмоқли ҳиссаси, ўз ижодий, илмий фаолияти, эл-юртга ҳалол хизматлари учун мукофотланганлар сафида қуйидагилар бор:

(Давоми 2-бетда)

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг турли бурчакларида қад ростлаётган иншоотлар юртимиз чиройига чирой қўшиб турибди. Ана шундай бинолардан бири Тўрақўрғон туманининг Шаҳанд қишлоғида қуриб фойдаланишга топширилган 300 ўринли 34-ўрта таълим мактабидир. Ушбу янги қурилиб фойдаланишга топширилган мактаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган вазифалар ҳамда кўрсатиб ўтилган лойиҳалар асосида барпо этилди. Замонавий синфхоналарига эга ушбу таълим масканида ўқувчилар янги ўқув йилини зўр муваффақиятлар билан бошлайдилар.

Суратларда: мактабнинг умумий кўриниши ва синфхоналардан лавҳалар акс этган.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАГИМИЗГА ЭЪТИБОР
3-бет

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШНИ ЭПЛАЯПМИЗМИ?
7-бет

ДОХТУРАШВИЛИ — ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ!
15-бет

«ПАРВОНА» КРОССВОРДИ
16-бет

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

Нуриддинов Муҳаммадхон Нуриддинович — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Саматов Саме — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Бекчанов Қурбонбой Ёқуббобоевич — Ўзбекистон Бадий академиясининг Хоразм вилоят тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати директори

Ерошина Галина Викторовна — Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси

Маҳмудова Ҳамида Аҳюловна — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

Саидкаримов Ўткир Саидабдуллаевич — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти

Содиқов Санжар — Ўзбекистон Миллий университети профессори

Усмонов Қамар — Тошкент молия институти кафедра мудири

Худойқулов Холиқул Имомович — Навоий вилояти, Нурота тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

Шахназаров Шариф Холлиевич — Республика олимпия ўринбосарлари коллежининг оғир атлетика бўйича бош мураббийси

Юсупова Нортожи Чонаевна — Наманган санъат коллежи директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Комилов Ҳайдар Позилович — Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти профессори

Хўжамбердиев Мамазоир — Андижон давлат тиббиёт институти ректори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Мурадасилов Сервер Дилявович — Чирчиқ шаҳар Олимпия заҳиралари коллежининг дзюдо бўйича мураббийси

Шевченко Валентина Васильевна — Навоий тоғ-кон комбинатига қарашли спорт клубининг бадиий гимнастика бўйича бош мураббийси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Азизхўжаева Наиля Назировна — Тошкент давлат педагогика университетининг кафедра мудири

Насриддинов Аҳмад Камолович — Наманган вилояти, Давлатобод енгил саноат касб-ҳунар коллежининг касбий фан ўқитувчиси

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Турсунова Марҳабо Ҳожиевна — Самарқанд шаҳридаги 9-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Қосимов Миржалол Қўшоқович — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори, республика олий спорт маҳорати мактаби йўриқчиси

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Бегматов Абдували — Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири

Бекимбетов Жумамурат Кутлимуротович — Нукус шаҳар енгил ва озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

Эргашев Ибодулла — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори вазифасини бажарувчи

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Ураимова Патмахон Абдинабиевна — Андижон вилояти, Асака педагогика коллежи касбий таълим фан ўқитувчиси

Эффа Мария Львовна — Хоразм вилояти 11-болалар уйининг катта ҳамшираси

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Дегтярева Нина Николаевна — Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

Тю Тхи Ким Зунг — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Балашов Александр Григорьевич — Республика олимпия заҳиралари спорт коллежининг стол тенниси бўйича бош мураббийси

Зокирова Очахон Турдалиевна — Фарғона вилояти Риштон саноат касб-ҳунар коллежининг умумтаълим фан ўқитувчиси

Исоқова Муҳайё Сирожиддиновна — Ўзбекистон Миллий университети аспиранти

Каменский Дмитрий Николаевич — Тошкент трактор заводи қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббий-ўқитувчиси

Латипов Ҳалим Рафиқович — Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

Мардаев Гулмурод Ҳайдарович — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон қурилиш ва гидротехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Матмусаева Мукаррамхон Тўхтаохуновна — Андижон шаҳридаги 2-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Маҳмудов Маърифжон Мирзақулович — Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

Маҳмудова Назира Қўчқоровна — Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар 1-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Миршахўжаев Собит Обиджонович — Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Нажмиддинов Саид Маликович — Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги 12-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Никадамбоев Одил Олимжонович — Тошкент давлат техника университетининг магистранти

Саломова Саодат Рауфовна — Навоий кончилик коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

Сейлханова Загипа — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳар болалар уйи ҳамшираси

Тожиева Шарофат Умаровна — Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги 4-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Турсунов Мейли Бекмуродович — Қашқадарё вилояти Қарши қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ўқитувчиси

Ўролов Исроил — Жиззах туман иқтисодиёт коллежининг ўқитувчиси

Ўринова Бибигул Ёдгоровна — Навоий шаҳридаги меҳрибонлик уйининг бош тарбиячиси

Халилова Шабон Жумаевна — Бухоро шаҳар миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг муҳандис-педагоги

Ҳамробекова Рихси Умирзоқовна — Тошкент вилояти, Янгийўл туман саноат касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

Ҳасанова Любовь Тихоновна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

Шаипов Рафик Мирхайдарович — Оммавий спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг катта мураббийси

Шукруллаева Инобатхон Курязовна — Хоразм вилояти, Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг умумтаълим фан ўқитувчиси

Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович (Улуғбек Ҳамдам) — Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий ходими, ёзувчи

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрларини асосан маъқуллади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

«Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, «Совпластитал» қўшма корхонаси бош директори

А.Мелкумов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, «Намангангаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси санаторий-профилакторийси директори З.Тожибоев, «Андижондонмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси раиси Б.Жалолов иштирок этди.

Олий Мажлис «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда сессия эътиборига ҳавола этди.

Ушбу масала юзасидан Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари И.Фофуров, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокими А.Мажидов, «Наманганиркурилиш» трести бошқарувчиси Ш.Матмусаев, «Ўзгеобурнефтгазқазибчиқариш» акционерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари О.Муродов сўзга чиқди.

Олий Мажлис «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни маъқуллади ва уни жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси ўринбосари Б.Олимжоновнинг маърузаси билан бошланди.

Бувайда тумани ҳокими Б.Тўрақулов, Наманган вилоятидаги «Осиё» агрофирмаси бош директори Н.Қурбонбоев, Томди тумани ҳокими А.Назаров, Шаҳрихон туманидаги А.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси У.Бозорбоев, Хўжайли тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ваколатхонаси раиси Х.Шерибоев бу ҳужжат бўйича ўз фикрини билдирди.

Парламент янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов сессия эътиборига тақдим этди.

(Давоми 3-бетда)

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАГИМИЗГА ЭЪТИБОР

25 август куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари шу йил 9 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига, спорт иншоотлари барпо этиш дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган ишлар ва уларни молиялаштириш манбалари, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини бажаришда Жамғарманинг ўрни ва аҳамияти, жисмоний тарбия ўқитувчи кадрларни тайёрлаш аҳволининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётгани туфайли бугунги кунда соҳадаги кўплаб муаммоларга ижобий ечим топилмоқда. Бу борада бошлаган хайрли ишларимизнинг замирида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдек улуғвор ва истиқболли мақсад мужассамдир. Ушбу ташаббус ўзини оқламоқда, эзгу юмушларимиз самарасини бермоқда.

Кенгашнинг аввалги йиғилишида жойларда болалар спортини ривожлантириш учун малакали ва фидойи кадрларни жалб этиш, спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш, бундай анжомлар, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўзимизда замон талаблари даражасида ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш вазифалари қўйилганди. Ҳокимликлар, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари зиммасига бу борада аниқ вазифалар юкланган эди.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида, аввало, спорт иншоотларига эга бўлмаган қишлоқ мактаблари аниқланди. Уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш, бу ишларга ҳомийлар маблағларини кенгроқ жалб этиш, спорт секцияларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактаблар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, спорт майдонлари қуриш каби юмушларни босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Болалар спортини оммалаштириш, маҳаллаларда оилавий спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш, қизларни спортнинг енгил атлетика, гимнастика, сузиш, теннис, стол тенниси каби секцияларига кенгроқ жалб этиш борасида эътиборга молик ишлар қилинаётир.

Йиғилишда мўлжалдаги маблағнинг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар кўлами таҳлил этилди. Таъкидланганидек, 2004-2005 йилларда ишга туширилиши мўлжалланган 61 та янги объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Жорий йилнинг 25 август ҳолатига кўра, 23 та янги ва 19 та реконструкция қилинган спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

Бу объектлар, Ислом Каримов уқтирганидек, хўжакўрсинга, фақат ҳисобот учун эмас, болаларимиз улардан фойдаланиши, жисмонан ва маънан камолга етиши йўлида барпо этилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда бу борада камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Тегишли ташкилотлардан маблағлар тушиши тўла таъминланмаган. Айрим вилоятларда ҳудудий ҳомийларни жалб қилиш ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти. Белгиланган қурилиш ишлари асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда. Йиғилишда бу ишларнинг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари шахсан масъуллигига яна бир бор эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилгани ва ҳаётга кенг жорий қилинаётгани болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу борадаги барча юмушлар мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган улкан қамровли ишларнинг таркибий қисмидир. Президентнинг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги фармони, Вазирлар Маҳкамаси бу борада қабул қилган қарорлар талабларини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, 2004-2009 йилларда жойларда янги қуриладиган мактабларда 325 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 300 та, капитал реконструкция қилинадиган 2 минг 313 та мактабнинг 1 минг 431 тасида (ҳаммаси қишлоқ жойларида) спорт заллари қурилиши режалаштирилган.

Спорт залларини жиҳозлаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, болалар спорт мажмуалари ва залларини зарур спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш даражаси республика бўйича 23 фоиз, қишлоқ мактабларида эса 19 фоизни ташкил қилмоқда.

Президентнинг фикрича, спорт анжомлари ва жиҳозларини ўзимизда, ўз корхоналаримизда тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Юртбошимиз спорт мураббийларини тайёрлаш масаласига атрофлича тўхталди. Республика миқёсида жисмоний тарбия фани бўйича педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси 94,3 фоизни ташкил этади. Аммо жисмоний тарбия ўқитувчиларининг 50,5 фоизи олий маълумотли, мингдан ортиқ ўқитувчи эса жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисликка эга эмас. Бу борада педагог кадрларни тайёрлаш билан шуғулланадиган олий ўқув юртлари тизимини тартибга солиш, спорт мураббийларини тайёрлашни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Ўзини миллатнинг, халқимизнинг ҳақиқий фарзанди деб ҳисобловчи ҳар бир фидойи инсон болалар спортини ривожлантириш масаласига бефарқ бўлмаслиги керак, деди Президентимиз. Зеро, ёш авлод тақдири қалбида халқни, миллатни улуғлаш, дунё миқёсида ўзбек номини, шонини тараннум этиш, Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини оширишдек эзгу орзу-истак билан яшаётган ҳеч бир ватандошимизни эътиборсиз қолдирмаслиги шарт.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Файзуллаев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимов ва вилоятлар ҳокимлари бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбири

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

Мазкур ҳужжат муҳокамасида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси директори Ў.Неъматов, «Фарғонанефттехкимёмонтаж» масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси Р.Жалилов, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, академик ва халқ-бадиий жамоалар дирекцияси директори Ў.Саиджонов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номли 2-мактаб директори Ж.Исроилов сўзга чиқди.

Олий Мажлис «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги қонун ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини биринчи ўқишда сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди.

Қонунлар лойиҳалари муҳокамасида Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, Шаҳрихон шаҳридаги «Ривож» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, «Бухороёғ» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси М.Зайниев, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунлар лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 27 август куни ўз ишини давом эттиради.

* * *

27 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишдан бошланди. Уни парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар эътиборига ҳавола қилди.

Ушбу ҳужжат муҳокамасида Сурхондарё вилояти кўз касалликлари шифохонасининг бош шифокори Р.Муҳамадиев, Тошкент шаҳридаги «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмуҳамедова, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Қамбаров, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллаева сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ушбу қонун лойиҳаси ҳақида ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари «Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бўлажак депутатлар ва сенаторларни ҳимоя қилишга қаратилганини таъкидлади. Депутатлар ва сенаторлар нафақат ўз сайловчилари ва ҳудудлари, балки бутун мамлакатнинг вакиллари ҳисобланади. Улар давлат арбоблари сифатида ўз фаолиятида, аввалам-бор, миллий манфаатларни устун қўйиши лозим. Шу сабабли Президент депутатни, сенаторни чақириб олиш қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши кераклигини қайд этди.

Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Урганч давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Қўқон шаҳридаги тиббиёт коллежи директори З.Охунова, Наманган вилояти Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг бўлим бошлиғи Ҳ.Сайдуллаев, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев иштирок этди.

Парламент янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Депутатлар ушбу ҳужжатни қабул қилди.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси Котибияти раҳбари С.Умаровнинг фуқароларнинг парламентга мурожаатлари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Парламент А.Ишметовни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси, В.Бурхонхўжаев, Р.Маҳмудова, А.Усмоновни Олий суд судялари этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ниҳоясига етди.

Munosabat

ҲАМ ЭЪТИБОР, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори нафақат таълимни ривожлантириш, балки миллатимизнинг эртанги куни, келажаги йўлида ташланган янги қадам бўлди. Чунки тур асосида келгусида қишлоқ жойларида ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган мактаб биноларини қуриш кўзда тутилган. Таълим-тарбия учун ҳар томонлама қулайликка эга бўлган кенг ва ёруғ хоналарда машғулот ўтказиш бизнинг орзуимиз эди. Албатта, бундай биноларда замонавий техника асбоблари, компьютерлар ҳам бўлиши, шубҳасиз. Демак, фарзандларимизга самарали ва сифатли мактабда эртанги кунимиз ворислари бўлган миллатимиз келажаги, илмга чанқоқ ўғил-қизлар таълим-тарбия оладилар. Таълимга, маърифатга эътибор бор жойда юксалиш, тараққиёт бўлаверади.

Биз, чекка қишлоқ муаллимлари бу ҳужжатни зўр қизиқиш билан ўқиб, ўрганмоқдамиз. Унда «умумтаълим мактаблари биноларини ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан яхшилаш ва капитал реконструкция қилиш» деган жумлалар бизни қувонтирди. Нега деганда, ана шу дарс-сабоқлар бериш имкониятига эга бўламиз.

Албатта, бундай ғамхўрлик ва эътироф ўз навбатида биз ўқитувчилар зиммасига масъулият юклайди. Ана шу масъулиятга яраша ҳар бир педагог замон талабига мос билим ва дунёқарашга эга бўлиши, ҳар бир машғулотни янги педагогик технология асосида олиб бориш лаёқати ва маҳоратига эга бўлиши шарт. Давр шуни тақозо этади.

Ўроқбой ШОЙИМОВ,
Бахмал туманидаги 41-мактаб директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 29-30 март ва 1 апрель кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва қўпорувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланган 15 нафар шахснинг жиноят иши бўйича суд жараёни ниҳоясига етди. Қарийб бир ой давом этган суд жараёнига Олий суд раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилди.

Дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда каби ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган судланувчиларга жазо чоралари белгилашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган инсонпарварлик ва адолат тамойилларига асосланилди.

Хусусан, судланувчиларнинг қилмишларидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тергов органларига сидқидилдан кўрсатган ёрдамлари натижасида янада аянчлироқ оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган кулфатларнинг олди олингани, шунингдек, уларнинг кўрсатмалари ашёвий далиллар, суд-тиббиёт, суд-криминалистика, баллистика ва бошқа экспертиза хулосалари, жабрланувчилар, гувоҳлар, жабрланувчилар вакилларининг жиноят иши юзасидан берган кўрсатмаларига таққосланган ҳолда эътиборга олинди.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судланувчиларга оид жиноят ишини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан айбдор деб топилган - Ф.Юсуповни 18 йил, Ф.Казакбаевни 18 йил, М.Мирзакуловни 14 йил, Н.Курбаналиевни 14 йил, Р.Юсуповни 15 йил-у 6 ой, А.Зулпикаровни 16 йил, Қ.Сохоталиевни 11 йил, Ж.Нигмановни 15 йил-у 6 ой, Ё.Умаровни 15 йил-у 6 ой, Ҳ.Ишматовни 16 йил, Ҳ.Ҳамроевни 15 йил-у 6 ой, Е.Аслановни 14 йил, Қ.Туйчиевни 14 йил, К.Каюмовани 10 йил, И.Тошпўлатовани 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Очиқ кўрилган суд жараёнини кўплаб хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакиллари кузатиб борди.

/ЎзА/

Shu kunning mavzusida

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР — ЭЪТИБОРДАГИ МАСАЛА

Андижон вилояти ҳокимлигида вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда комиссия аъзолари, шаҳар ва туман ҳокими ўринбосарлари, прокурорлар, ҳудудий комиссия раислари иштирок этди.

Йиғилишда ижтимоий муҳофазага муҳтож болаларга кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш ва болаларни оммавий спортга жалб қилиш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишнинг аҳволи тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан республика Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи Толибжон Умаров сўзга чиқиб, ўтказилган текшириш якунлари ҳақида батафсил ахборот берди.

Йиғилишда таъкидландики, вилоятда меҳрибонлик уйлари ва мактаб интернатларининг моддий-техника аҳволини тубдан яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланишга муҳтож бўлган вояга етмаганларни реабилитация қилиш вазифаларидан келиб чиқиб, 108 нафар ногирон болага ногиронлик аравачаси олиб берилган. Ҳуқуқбузарликка мойил бўлган болалар хулқи устидан назорат кучайтирилиб, ёзги дам олиш мавсуми кўнгилли ўтказилганлиги боис вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик сезиларли даражада камайган. Болаларни спорт тўгаракларига жалб этиш ҳам кенгайиб бормоқда. Ёшларни иш билан таъминлаш, улар соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида уста-шогирд ва маҳалла ҳамшираси дастур лойиҳаси ишлаб чиқилиб, халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилди. Избоскан туманида 500 томошабин ўрнига эга бўлган спорт мажмуаси қуриш учун 600 миллион сўм маблағ сарфланди.

Шу билан бирга ҳали вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича комиссияларнинг фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

О.СИДДИҚОВ

Қамаши туманидаги "Гулдаста" мактаб-боғча мажмуасида мустақиллигимизнинг 13 йиллик тўйини кутиб олишга катта ҳозирлик кўрилмоқда. Буни маскан да тарбияланаётган болаларнинг она Ватан мавзусида чизаётган суратлари, истиқлолга атаб ёзаётган ва ёдлаётган шеърларидан ҳам билса бўлади. Бунда болаларга боғча тарбиячиси Дилфуза Эгамбердиева яқиндан ёрдам бермоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Йиллар мобайнида қилинган меҳнат вақти келиб, албатта, ўз самарасини беради. Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедов ҳам ижодий, ҳам педагогик фаолиятининг 50 йиллигини нишонлаш арафасида. Рассомнинг асарлари ҳаётий, юракдан ҳис этилган, самимий, фалсафий мушоҳадаларнинг сувратидир. Раҳим Аҳмедов "Тонг. Оналик", "Она ўйлари", "Қўшиқ", "Ғазал оғушида" сингари кўплаб ижод намуналари билан элга танилган. Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, профессор Раҳим Аҳмедов "Меҳмонхона"мизда.

Раҳим Аҳмедов:

ОНА ВА ОНА ВАТАН ТИМСОЛИ

уларни бугунги кун нафаси билан боғласам дейман

— Рассомлар, одатда, камгап, ўйчан бўлишади, бу ҳолатни уларнинг болалик пайтида ҳам кузатиш мумкин. Сизнинг ҳам ёшлигингизда келажакда рассом бўлиш хаёлингиздан ўтганми?

— Тошкентда, эски Жўванинг Ҳофизи Кўйкий маҳалласида туғилганман. Отамнинг тайинли бир ҳунари йўқ эди. У бозорда ишлаб, топганларини уйга келтирар, онам ҳам бир амаллаб шунинг орқасидан рўзғор тебратарди. Отам қўл учида кун кўрсада, саводи чиққан киши бўлиб, араб тилини яхши биларди. 30-йилларда очарчилик бошланди. Биз тўрт жон — бир қиз, уч ўғилни боқишга қийналган отам бошқа мамлакатга ишлагани кетганлар. Барчамиз тоғамнинг қўлида қолдик. Осмон йироқ, ер қаттиқ, дея иккитамизни болалар уйига беришди. Онам очарчилик азобларига дош беролмай 28 ёшида вафот этди. Меҳрибонлик уйида ўқиб, тарбия топдим. Менинг биринчи тарбиячим рассом Ҳикмат Раҳмонов бўлган. У киши рассомчилик тўгарагини ташкил қилган ва бу ерда мен каби болалар шуғулланишарди. Расм чизишнинг нимасидир мени ўзига тортарди, чизардим, чизаверардим. Ёшликда ўқиш, илм олиш учун қаттиқ тиришганмиз, китобни кўп мутолаа қилардик. Ҳозирги ёшларнинг кўпчилиги китоб ўқимаганлигидан турмушда кўп қоқилишади. Китоб инсонни тарбиялайди, дунёқарашини, тафаккурини бойитиб, фикрлашга ўргатади. Ёшлигимда қизиқиб шеърлар ҳам машқ қилганман. Ўшанда тасвирий санъат билан шеърият ўртасида қандайдир яқинлик борлигини ўзимча кашф этганман.

6-синфни битирганимдан сўнг техникумга ўқишга кирдим. Ўша пайтларда ўқиш беш йиллик бўларди. 2-курсдан сўнг меҳрибонлик уйида тўгарак ташкил қилишни таклиф этишди. Тўгарак очиб, қизиқувчан ёшларни жалб қилдик. Ўқишни давом эттириш билан биргаликда мураббийлик ҳам қила бошладим. Чунки ўз моддий эҳтиёжларимни қоплашим, тирикчилик аравасини тортишим керак эди. 1939 йилда ҳарбий хизматга чақиришди. Бироқ ўнг кўзимнинг кўриш қобилияти паст эди, шу туфайли хизматга лаёқатсиз деб топилдим. 1941 йили уруш бошланиб қолди-ю, мен ўқиётган техникумни ёпиб ташлашди. Олти ой Самарқандда ўқидим. Сўнгра яна Тошкентга қайтиб, болалар уйида мураббийлик қила бошладим. Ўша йилларда мен анча-мунча эскизлар қоралаб қўйган, аммо уларни қаерда, кимга кўрсатишни билмай юрган ёш рассом эдим. Орадан бир мунча вақт ўтгач, кўнгиллилар сафида ҳарбий хизматга отландим. У ерда бир киши ҳаётимни сақлаб қолган. Фарғоналик подполковник Константин Каровников: "Сен талантлисан, халқингга ҳам кераксан", дея 1945 йилгача ўзининг ёнидан жилдирмай бирга олиб юрди. Уруш тамом бўлганида Красноярскда эдим. Ўзбекистонга қайтиб, яна бир неча йил болалар уйида мураббийлик қилдим. Бўш вақтларимда қўлимдан қалам тушмас, то Ленинград Бадиий академиясида олти йиллик таҳсилни тугатмаган пайтимга қадар рассомчиликнинг асл машқатларини юракдан англамас эдим. Бу ерда дунё миқёсидаги машҳур рассомлар, ҳайкалтарошлар ижоди билан танишиб, улардек буюк асарлар яратиш орзусига берилганман, ахир орзуга айб йўқ, дейдилар-ку. 1954 йилда Тошкентда театр ва рассомлик санъати институти ташкил этилди ва шундан буён мазкур даргоҳда ишлаб келаяпман.

— Қайси санъат тури бўлмасин, ижодкор қизиқишлари доирасида ўз йўналишини танлайди. Асарларингизда етакчилик қиладиган бош ғоя, ундаги хусусиятларга тўхталсангиз.

— Ижодкорнинг ўзи яратган асарлари тўғрисида мулоҳаза юритиши осон эмас. Чунки у юрагини, вужудини қийнаётган туйғуларни қоғозга, куйга, қўшиққа ва матога туширади. Санъаткорнинг, жумладан, рассомнинг ижодига ҳам мухлислари, санъатшунослар тўғри баҳони беришади. Ижод жараёним ҳақида гапирадиган бўлсам, асарларимга ишлов бермаган куним ухлай олмайман. Бирор кун йўққи, чизмасам, бўямасам. Изланишдан тўхтаган ижодкор ўсишдан ҳам тўхтайди. Биринчи ижод намуналарим академияни битирган кезларим эълон қилинди. Талабалик йилларимизда амалиётни Бурчмуллада ўтардик. "Тонг. Оналик", "Она хаёли" сингари асарларим ўша йиллари дунё юзини кўрди.

Фожиали ҳолатни тасвирлашни, трагедияни ёқтирмайман. Шундай асар яратсангки, кўрган кишининг дил қулфини очса. Асарларимда халқнинг қалбида яшаётган кечинма ва туйғуларни тасвирлашга ҳаракат қиламан. Суратдаги манзарани кўрган киши роҳатлансин, унда ҳақиқий ҳаётнинг, яшашнинг акси борлигини кўра билсин. Ҳар бир ижодкорнинг — у хоҳ ашулачи, хоҳ ёзувчи, хоҳ рассом, хоҳ мусиқашунос бўлсин ички, шоҳ асари бўлиши керак. Агар қайсидир асари билан халқнинг юрагидан жой олмаса, у ҳиссиз, таъсирсиз, фақат ўз қобиғига ўралиб яшаётган ижодкор бўлиб қолаверади. Масалан: Эркин Воҳидов "Ўзбегим" қасидасида ўзбек халқининг тарихи-ю, бутун ички қиёфасини аниқ-тиниқ акс эттира олган. Улуғ рассом Ўрол Тансиқбоев "Иссиққўл оқшоми" номли асари учун академиклик даражасига кўтарилди. Ана шоҳ асарнинг қиймати, куч-қудрати. Чингиз Аҳмаровнинг Навоий асарлари мавзусидаги театр деворларига ишлаган монументал суратларини кўрганда ким ҳам мафтун бўлмайди, дейсиз? Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" сингари ўлмас асарлар ёзиб қолдирган ва бу адиб ана шу асарлари билан ҳам боқийдир. Шунинг учун шогирдларимга қайта-қайта такрорлайман: "Бир-иккита бўлса ҳам халқнинг юрагида қоладиган асар яратиб қўй. Ўша асарда сенинг ижодинг, ўзлигинг акс этиб турсин".

— Одатда машҳур ижодкорларга ҳавас қилиб, шогирд тутинишни ўзига фахр деб биладиган ёшлар кўп бўлади. Суҳбатимиз мавзуси устоз-шогирдлик муносабатларига бориб тақалмоқда...

— Янги ўқув йилининг 1 октябрида Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ташкил этилганига 50 йил тўлади. Ана шу даргоҳ очилганидан бери камина ҳам шу ерда, демак, ярим асрлик тўй менга ҳам тегишли. Ушбу сана муносабати билан мени устоз деб ҳисоблаган шогирдларимнинг ижод намуналарини жамлаб, Бадиий академиянинг катта залида кўргазма уюштирилади. Шогирдларим эса нафақат Ўзбекистонда, ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ижод қилишмоқда. 50 йил мобайнида қанча шогирд тайёрлаш мумкинлигини кўз олдингизга келтириб кўринг. Яратган асарлари билан элга танилган шогирдларим қаторига Акмал Нур, Чори Бекмиров, Бахтиёр Бобоев, Йигитали Турсунназаров, Эмин Мансуров, Владимир Бурмакин, Лимаков, Пак сингари кўплаб рассомларни киритишим мумкин. Шогирдларимга айтадиган насиҳатларим эса жуда кўп. Аввало, ижодий фаолият билан чекланиб қолмасдан, дунёга чиқиш керак, ўқиб-ўрганиб, тажриба алмашиш лозим. Ҳозирги кунда ўзбек тилини яхши билиб, рус ҳамда инглиз тилларини ўрганиш ёшлар учун шарт, замон шуни талаб этади. Телевидениеда рус тилидаги дастурларни ўзбек журналистлари олиб боришидан хурсанд бўламан. Мен ҳам рус тилини ҳарбий хизматда юрган кезларим ўргандим, бу эса Ленинград академиясида асқотди. Болалар уйида рус тили ўқитувчимизнинг дарсларида биринчи партага ўтиришга талашардик. Чунки ҳаммамиз рус тилини кўпроқ ўрганишни истаганмиз. Умуман, киши ўз она тилидан ташқари ҳеч бўлмаганда қардош ёки бошқа хорижий тиллардан бирида муомала қилишни, имлосини ўрганиб олса, сира зарари йўқ.

— Инсон қандайдир муҳит таъсирида ижодкор бўлиб шаклланади. Рассомлар ижодида кўргазмалар муҳим рол ўйнайди. Кўргазмаларингизнинг энг эсда қоларлиси қаерда ва қачон ўтказилган?

— Шахсий кўргазмаларим Франция, Туркия, Финландия, Болгария, Ливан, Сурия сингари кўплаб давлатларда ўтказилди. Республика миқёсида эса тўрт-беш маротаба ташкил қилинди. Хорижий мамлакатларда кўргазмаларимни илиқ кутиб олишган. Парижда ўтказилган кўргазмамда мухлислар шундай дейишганди: "Асарларингдан ўзбек халқининг, миллатининг, еринг иси келади". Ижодингда инсоният тақдири, ҳаёти билан биргаликда миллийлик ҳам уфуриб туриши керак. Леонардо да Винчи, Рафаэль, Беҳзодларни дунё танийди. Шу билан биргаликда уларнинг асарларидан қайси миллат вакили эканлигини ҳам англаш мумкин. Ҳозирги рассомларимиз ҳам айни шу жиҳатни ҳисобга олишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки санъатда, адабиётда миллий руҳ ва менталитет бўлмаса, у асар даражасига кўтарила олмайди.

— Санъаткор халққа қандай хизмат қилиши керак? Устоз сифатида ижод оламига эндигина кириб келаётган, ўз йўналишларини танлаш арафасида турган ёш истеъдод эгаларига ўгитларингиз...

— Саид Аҳмад, Шукрулло, Ҳамид Ғулом, Иброҳим Раҳим, Рамз Бобожон билан доимо ўзаро ижодий ҳамкорликда бўлардик. Ачинарли томони, ҳозирги пайтда бастакор, ёзувчи, рассомларнинг бир-бири билан алоқаси йўқ. Қачонки, санъаткорлар ижодий ҳамкорликда иш олиб борсагина ҳаёт билан ҳамоҳанг, ўлмас асарлар яратилади.

Тасвирий санъатда портрет устаси Абдулҳақ Абдуллаев ким билан суҳбатлашса, эшитган маъноли сўзларини ён дафтарчасига ёзиб, баъзан ўқиб юрарди. У киши фақат рассомгина эмас, файласуф ҳам бўлган. Шу сабабли портретларида образларнинг ички кечинмаларини асл ҳолича акс эттира олади. Масалан, Яшин ака, Сора Эшонтўраева, Отелло ролидаги Аброр Ҳидоятовларнинг портретлари... Буларнинг ҳаммаси асл асар, келажак авлоднинг бойлигидир. Рассом замондошлари образини, сиймосини худди ўзларидай қилиб ярата олди.

Ойбек аканинг портретидаги кўзни санъатшунослар тавсифлаб, янги бир асарга тенглаштиришган. Ҳозирги портретларда кўз тешик. Талабаларимга: "Кўз тешик эмас, унинг ҳажми, маълум доираси бор. Кўз тасвир жараёнида диққат марказингизда туриши керак. Кўзда маъно, ҳаёт бор", деб кўп такрорлайман. Бир йили Ҳамид Олимжоннинг портретини чизиш керак бўлиб қолди. Ўхшайдиган одамдан натурада ишлаб, этюд қилганман. Абдулҳақ ака Навоийни ишлаганида костюмларни кийдириб, этюд ишлаганди. Ҳозир эса, сураткашга мурожаат қилади-да, расмдан ишлайди. Ишлайдиган одаминг йўқ бўлса, ҳеч бўлмаса, натурадан фойдалан, дегим келади шундайларга қарата. Суратлардан ўз ўрнидагина фойдаланиш лозим. Демоқчиманки, ижодкор ўз қаҳрамонлари ҳаётда қандай бўлса, ўшандай тасвирлашга, халқ қалбидаги яширин туйғуларни жонлантирувчи санъат асарлари яратишга интилиши лозим.

— Айни вақтда қандай ижодий ишлар билан машғулсиз?

— Ҳеч қачон менинг режам бўлмайди, кўп нарса бошлаб қўйганман, ҳаммасини ҳам тугатишим керак. Лекин бу бирданига амалга ошмайди, гоҳида унисига ўтириб, гоҳида бунисига қўл ураман. Битмаган асарлар тўғрисида бир нарса дейишим қийин. Онани тасвирлаш ҳар маҳал мени завқлантиради. Ҳозир ҳам она сиймоси устида ишлаяпман. Она ва она Ватан тимсолини бугунги кун нафаси билан боғласам дейман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Азиз НОРҚУЛОВ суҳбатлашди.

Ustoz — otangday ulug‘, deyishadi. Shu ma’noda men ustozlar yo‘lini tanlaganman. Eng quvonchlisi, mamlakatimiz istiqlolga erishgan yili boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi sifatida mehnat faoliyatim boshlangan. Demakki, shu soha bo‘yicha o‘n uch yillik o‘qituvchilik tajribasiga egaman. Shu yillar mobaynida o‘g‘il-qizlar ongiga “Vatanni sevmoq iymondandir”, “Vatan tuyg‘usi — har narsadan ulug‘”, “Vatan, xalq sevgisi — imon nishoni” kabi hadis va hikmatlar mohiyatini chuqur singdirib borayapman. Bu, albatta, o‘z samaralarini berishi tayin. Quyida hamkasblarim uchun «Mustaqillik darsi» yuzasidan bir soatlik dars ishlanmasini havola etayotirman.

MUSTAQILLIK MUBORAK, HUR O‘ZBEKISTON!

Bir soatlik dars

Darsning mavzusi: Mustaqillik muborak, hur O‘zbekiston!

I. Darsning maqsadi:

1. Ta’limiy maqsad:

O‘quvchilarning “Milliy mafkuramiz bosh g‘oyasi”, “Mustaqillik odimlari” mavzulari orqali olgan nazariy bilimlarini mustahkamlash, Vatanimiz tarixi haqida kengroq bilim berish.

2. Tarbiyaviy maqsad:

Yangi mavzu orqali o‘quvchilarni iymonli, e’tiqodli, vatanparvar inson qilib tarbiyalash.

3. Rivojlantiruvchi maqsad:

O‘quvchilarga vatanparvarlik g‘oyalarini singdirish, ularni erkin fikrlashga, to‘g‘ri mushohada yuritishga o‘rgatish.

II. Darsning turi: bahs-munozaralarga asoslangan intellektual o‘yin darsi. Dars “Aqliy hujum” usulida olib boriladi.

III. Darsning ko‘rgazmaliligi:

1. Islom Karimov asarlari.
2. O‘zbekiston Respublikasining Davlat ramzlari.
3. “Mustaqillik quyoshi aslo botmasin, yurtim!” ko‘rgazmasi.
4. Tarqatma materiallar.
5. “To‘g‘ri javobni top!” o‘yini uchun ko‘rgazma.
6. Mavzuga mos suratlar.

IV. Darsning rejasi:

1. “Tarixingdir ming asrlar ichra pinhon, o‘zbegim...”
2. “Hur O‘zbekistoni bordir, o‘zbekning...”
3. “13 yoshing sarhadlari keng bo‘ldi...”
4. “Hech kimga bermaymiz seni, O‘zbekiston!”
5. “Karvoning boshlayver, Yurtboshim!”

Darsning borishi:

Dars mashg‘uloti o‘qituvchi va o‘quvchilarning o‘zaro salomlashuvidan boshlanib, O‘zbekiston Respublikasining Davlat madhiyasi kuylanadi.

O‘qituvchi: — Qani, bolalar, aytinglar-chi, maktabda o‘qish davomida nimalarni o‘rgandingiz?

1-o‘quvchi: — Avvalambor, Vatanni sevishni o‘rgandik.

O‘qituvchi: — Vatan nima o‘zi?

1-o‘quvchi: — Vatan bu insonning kindik qoni to‘kilgan joydir.

2-o‘quvchi: — Vatan ota-bobolarimiz yashab o‘tgan muqaddas makondir.

3-o‘quvchi: — Vatan biz tug‘ilib o‘sgan, hayot kechirayotgan diyorimizdir.

O‘qituvchi: — Yurtboshimiz aytganidek, “Tarixini bilmagan xalqning kelajagi yo‘qdir”. Ana shunga asoslanib, bugungi mashg‘ulotimizni Vatanimiz tarixiga nazar solishdan boshlasak.

Tarixingdir ming asrlar ichra pinhon, o‘zbegim,
Senga tengdosh Pomiru oqsoch Tiyonshon, o‘zbegim.
So‘ylasin Afrosiyobu so‘ylasin O‘rxun xati,
Ko‘hna tarix shodasida bitta marjon, o‘zbegim.

(O‘quvchilar Vatanimiz tarixi haqida, buyuk ajdodlarimiz to‘g‘risida bilganlarini gapiradilar).

O‘qituvchi: — Demak, bolalar, ona O‘zbekistonimiz juda boy tarixga ega ekan. Hozirgidek farovon hayotga, mustaqillikka erishish uchun ota-bobolarimiz jonlarini fido qilganlar. Ana shunday buyuk zotlardan biri sohibqiron Amir Temurdir. Jaloliddin Manguberdi, Abulg‘ozi Bahodirxon singari bobolarimizning hayoti biz uchun ibratlidir. Mirzo Ulug‘bek, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, ibn Sino, imom at-Termiziy, al-Buxoriy, al-Xorazmiy, Abu Rayhon Beruniy kabi buyuk insonlar fan va madaniyatimiz rivojiga katta hissa qo‘shganlar.

Sizlar jahon tan olgan shunday buyuk insonlar nabiralarisiz!

Biz juda baxtlimiz. Chunki bobolarimiz orzu qilgan zamonda yashash bizu sizga nasib qilayapti.

1991-yil 31-avgustda O‘zbekistonimiz mustaqillikka erishdi.

Dunyo xaritasin naqshi turfa rang,
Davralarda o‘rni to‘rda, muhtaram.
Navqiron va azim, go‘zal, mukarram,
Hur O‘zbekistoni bordir o‘zbekning.

Shundan so‘ng “To‘g‘ri javobni top” o‘yini o‘tkaziladi. Bunda o‘quvchilarga test savollari tarqatiladi.

1. O‘zbekiston qachon mustaqillikka erishdi?
a) 1990-yil 31-avgustda
b) 1991-yil 31-avgustda
s) 1992-yil 7-noyabrda

2. O‘zbekiston Davlat bayrog‘i qachon qabul qilindi?
a) 1991-yil 5-mayda
b) 1992-yil 18-noyabrda
s) 1991-yil 18-noyabrda

3. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi qachon qabul qilingan?
a) 1992-yil 8-dekabrda
b) 1991-yil 18-noyabrda
s) 1990-yil 10-noyabrda.

Shunga o‘xshagan savollardan tuzilgan testlar olingach, o‘ziga xos suhbat uyushtiriladi.

O‘qituvchi: — Bolalar, mustaqillikka erishganimizga necha yil bo‘ldi?

O‘quvchilar: — 13 yil.

O‘qituvchi: — Mana, mustaqillikka erishganimizga 13 yil bo‘libdi.

13 yilning sarhadlari keng bo‘ldi,

Har bir yili asrlarga teng bo‘ldi.

Ona xalqim mo’jizalar yaratding,

O‘g‘ling yoki qizing senga yeng bo‘ldi...

Muloqot jarayonida o‘quvchilarni istiqlolga erishganimizdan keyin yurtimizdagi buyuk o‘zgarishlar, yurtimiz tinchligi, xalqimiz farovonligi, Vatanimiz taraqqiyoti yo‘lida olib borilgan ishlar haqida suhbat, bahs-munozara tashkil etiladi. O‘qituvchi o‘quvchilar fikrini umumlashtirib, xulosalaydi.

O‘qituvchi: — Bugun yurtimiz ozod, erkin, mustaqil. Uning o‘z doni, o‘z nefti, o‘z gazi, o‘z mashinasi, o‘z paxtasi, o‘z oltini bor. Jahonda o‘z o‘rniga, yuksak obro‘ va o‘z ovoziga ega.

Lekin ana shunday obod diyorga, unda farovon turmush kechirayotgan insonlarga hasad bilan qaraydigan qora, yovuz niyatli insonlar ham yo‘q emas. (1999-yil 16-fevral voqealari, 2004-yil 31-mart, 1-aprel hamda 30-iyul kunlari sodir etilgan terrorchilik xurujlari misol tariqasida keltiriladi).

“Aqliy hujum” usulidan foydalanib, o‘quvchilarga quyidagi savollar berish orqali ularning fikrlari, mulohazalari bilan tanishish mumkin.

1. Bu yovuz niyatli odamlar nima maqsadda xalq tinchligini buzishga harakat qilayapti?

2. Ularning ishlariga qanday munosabat bildirasizlar?

3. Ular o‘z maqsadlariga erishishlari mumkinmi? Yo‘q bo‘lsa, nima uchun?

4. Sizlar yurt tinchligini saqlashga qanday hissa qo‘shishlaringiz mumkin?

5. Siz kelajakda qanday inson bo‘lib yetishmoqchisiz?

O‘qituvchi o‘quvchilar fikrini tinglab, xulosa qiladi:

— Demak, bu yovuz niyatli insonlarning maqsadi, bizning tinchligimiz, osoyishta, farovon turmushimizni buzish, o‘zlariga qaram qilib olish, Vatanimiz boyliklariga egalik qilishdir. Lekin biz bunga yo‘l qo‘ymaylik! Biz Vatanimizni hech kimga bermaymiz!

Hamma birgalikda “Hech kimga bermaymiz seni, O‘zbekiston!” ashulasini aytadi.

O‘qituvchi: — Ana shunday ozod, obod Vatanda farovon turmush kechirayapmiz. Bizni bu yo‘lga boshlagan Yurtboshimiz Islom Karimovdir.

Yurtboshimizning dono siyosati, sa’y-harakatlari, yordami bilan biz shu darajaga erishdik.

Biz o‘zimizni uzoq manzilni ko‘zlagan karvonga o‘xshatsak, Yurtboshimiz mohir karvonboshimizdir.

1-o‘quvchi: — Tong bilan yangraydi madhiyam,

Porlaydi charog‘on quyoshim.

Dil ko‘rkam, el ko‘rkam, yurt ko‘rkam,

Karvoning boshlayver Yurtboshim!

O‘qituvchi: — Aziz bolajonlar! Buyuk maqsadni ko‘zlab, ya’ni ozod va obod Vatan qurmoq, mustaqillikni ko‘z qorachig‘idek asramoq kabi maqsadni dilga jo qilib, yillar sarhadi osha dadil qadam tashlab ketayotgan karvonimizga munosib bo‘lish uchun sizlar a’lo o‘qishlaringiz, Vatanni sevishlaringiz, ma’nan va jismonan barkamol, komil inson bo‘lib yetishmog‘ingiz lozim. Chunki Vatanimizning kelajagi sizlarning qo‘lingizdadir.

Dars o‘quvchilarning Vatan, vatanparvarlik, istiqlol haqidagi she’r, ashula va maqollarni aytishi bilan yakunlanadi.

Gulorom RAJABOVA,
Urganch shahridagi o‘zbek va ingliz tili faniga ixtisoslashtirilgan 27-maktabning boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi

САХОВАТ ТАДБИРИ

2004-yil — Mehr va muruvvat yili

Андижонликлар куни кеча яна бир савобли тадбирни ўтказдиларки, бундай тадбир қаҳрамонлари — олти ўғлон ҳам, ташкилотчилари — вилоят телерадиокомпанияси журналистлари ҳам, тадбир меҳмонлари ҳам бағоят мамнун бўлдилар.

Журналистлар кузатувчан халқ. Вилоят телерадиокомпанияси радиоэшиттиришлар бўлими журналистлари анчадан буён Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб бирор каттароқ тадбир ўтказиш юзасидан фикрлашиб юрардилар. Вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларда истиқомат қилаётган болаларга суннат тўйи ўтказиладиган бўлди.

— Ниҳоят ишлар бошланди, — дейди радиоэшиттиришлар бўлими бош муҳаррири Ф.Сиддиқова, — вилоятдаги қайси ташкилот ёки корхонага бормайлик, бирорта раҳбар сунн а т тўйига ҳомийлик қилиш тўғрисидаги таклифимизни рад этгани йўқ. Одамларимизнинг қанчалик саховатли эканлигига тадбир давомида яна бир бор амин бўлдик.

Олти нафар тўйболалар — Андижон шаҳридаги 2-Меҳрибонлик уйида тарбия олувчилар Муҳаммадқодир ва Муҳаммадюсуф Расуловлар, Пахтаобод туманидаги 31-мактаб-интернат тарбияланувчилари — Абдухолиқ Усмонов ва Шоҳрух Элчиевлар, Андижон шаҳридаги гўдаклар уйидан Жамшид Аҳмедов ва Қодиржон Қодировлар шу куни меҳр ва эъзоз оғушида бўлдилар.

«Тараққиёт» телекомпанияси раиси Маҳмуд ҳожи Мамадалиев тўйболаларга кийим-бош ва ҳар бирига 10 минг сўмдан пул қўйилган омонат дафтарчаларни ҳадя этганда, давра олқишлардан ларзага келди. Андижон аэропорти, темир йўл вагонларини таъмирловчи Андижон механика заводи, Андижон тиббиёт институти клиник шифохонаси, «7х7» газетаси, Андижон таксилар саройи, Андижон универмаги каби кўплаб корхона ва ташкилотлар жамолари тўйболаларга ҳомийлик қилиш билан бирга улар яшайдиган ва таҳсил оладиган муассасаларга ҳам ёрдам бердилар.

МУХБИРИМИЗ

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШНИ ЭПЛАЯПМИЗМИ?

«Халқ педагогик мероси уммон, биз билган педагогик фикрлар ундан бир томчи, холос». Маърифатпарвар олим Раҳимжон Усмоновнинг ушбу фикри асосида ўтказилган Тошкент шаҳар она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларининг август кенгаши «Таълимда илғор педагогик технологияларни жорий этиш» мавзусига бағишланди.

Кенгаш Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактабда ўтказилиб, унда ШХТББ, РТМ, ПХҚТМОИ ходимлари ва илғор ўқитувчилар иштирок этишди.

Кенгаш қатнашчилари анжуман аввалида «Замонавий дарсни ташкил этиш», «Ўзбек тилидан репетитор китоби», «Она тилини ўқитиш юзасидан тавсиялар ва режалаштириш», «Она тилидан тестлар», «Адабиёт фанидан режалаштириш», «Она тили машғулотларида миллий истиқлол ғоясини сингдириш» каби бир қатор услубий қўлланмалар билан танишдилар.

1-шўъба иштирокчилари ДТС талабларини ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар билимида юзага келган бўшлиқларни тўлдириш йўлларини излаб топишга ҳаракат қилдилар. 2-шўъбада эса дарсдаги интерфаол усуллар ва уларнинг самарадорлик даражаси ўрганилди. 3-шўъбада адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантиришда мунтазам равишда бадиий адабиётларни ўқиш; топишмоқ, тез айтишларни ёдлатиш; ўқилган китоблар юзасидан баҳс-мунозаралар уюштириш; саҳна кўринишлари тайёрлаш асосий омил эканлиги таъкидланди.

«Она тили ва адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил ва ижодий фикрлашга ўргатиш» мавзусида изланиш олиб борган 4-шўъба қатнашчилари фаолликлари, мустақил фикрлари билан ажралиб турдилар. 5-шўъбада «Ўқувчиларни бадиий адабиёт ўқитишга қизиқтириш йўллари», 6-шўъбада «Адабиётдан янгиланган дарсликлар билан ишлаш натижалари» тажриба, таҳлил ва таклифлар асосида семинар-тренинг тарзида ўтказилди.

Она тили таълими жараёнида ўқувчилар нутқ маданиятини шакллантириш йўллари 7-шўъбада ўз ечимини топди.

Шўъба йиғилишларидан сўнг қабул қилинган тавсиялар эълон қилинди:

— Бугунги кенгашда долзарб муаммоларга ечим топилди, — дейди Мавлуда Қудратова. — Зеро, ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатмай, унинг ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантирмай мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар биримиз ўзимизга «Мустақил фикрлашга ўргатишни эплаяпмизми?» деб савол бермоғимиз ва дарсда шунга эришмоғимиз лозим.

— Ўқитувчилар билан дарслик муаллифларининг юзма-юз мулоқоти фақат расмий кенгашларда эмас, балки йил давомида ўтказилиб турилгани маъқул, — дейди дарслик муаллифлари Н.Ғуломова ва Қ.Ҳусанбоева. — Шундагина фикрлар инобатга олиниб, келгуси нашрларда камчиликлар тузатиб борилади.

Албатта, август кенгашлари ва шўъба йиғилишларининг шаҳар, вилоят босқичларида ўтказилаётгани фойдали, аммо у ердаги фикр-мулоҳазалар иштирокчилар томонидан ҳар бир туман ва мактабларга етиб борсагина самарадорлик ошади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Ma'rifat» мухбири

РЕЖАНИНГ БАЖАРИЛМАЙДИГАН 9 ТАСИДАН КЎРА, БАЖАРИЛАДИГАН 4 ТАСИ ЯХШИ

Акмал Икромов туманидаги мактабгача таълим муассасалари ходимларининг 8 йўналишда бўлиб ўтган август кенгашлари шўъба йиғилишларида кўтарилган мавзулар ва муаммолар ҳар томондан таълим мазмунини қамраб олди. Биргина МТМ раҳбарларининг 453-боғча-мактаб мажмуасида ўтказилган кенгаш ишида аввало услубий адабиётлар кўргазмаси ва улар савдоси уюштирилди. Мудиралар тарбиячилари учун зарур адабиётларни топиш муаммосини шу ердан ҳал қила бошлади. Сўнгра «Бола кўзи билан кўринг дунёни» ўйинчоқлар кўргазмаси билан иштирокчилар танишди. У ердаги дидактик, ривожлантирувчи, умуман турли ўйинчоқлардан андозаларни боғчасида яратиш учун олдилар. Айримлар боғчасида яратган янгилиги бор ўйинчоқларни бошқаларга ҳам таклиф қилди. Шундай ҳамкорлик билан бошланган анжуманнинг амалий тренингини 328-МТМ мудираси М.Шарипова олиб борди. Қатнашчилар иш бошидан гуруҳларга бўлиниб олишди ва мусобақа тарзида баҳслашишга келишди. Замонавий мудира сифатлари вазифалари бўйича биринчи гуруҳ таклиф-мулоҳазалар киритди. Боғчада маркетинг хизматини ташкил қилиш йўналишида эса 2-гуруҳ тавсиялар ишлаб чиқди. Боғчага қамралмаган болалар билан оилаларда ишлаш борасида эса янгича усул қўлланди. Хусусан, ота-оналар, маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари билан фаолият олиб бориш самарадорлиги эътироф этилди.

Жисмоний тарбия машғулотлари учун етарли шароит яратиш йўллари ҳақида 4-гуруҳ вакиллари фикр билдирди. Кадрларнинг янги алифбо бўйича саводхонлигини ошириш юзасидан илғор тажрибалар ҳам бошқалар билан ўртоқлашган ҳолда қабул қилинди. Шундан сўнг болалар тафаккурини ривожлантирувчи тест топшириқлари бўйича ва маҳаллий материаллардан ўйинчоқлар ясаш бўйича мусобақа бошланди. Шунда мудира у йўқ, бу йўқ деб ёзғириш ўрнига, излаб имкон топиш санъатини эгаллаши лозимлиги тилга олинди. Геометрик шакллар ясашдан кейинги мусобақадан сўнг ғолиблар аниқланди.

Сўнгги ўринда 53 нафар мудира қуйидаги фикрга содиқ қолишди: «Мудиралик — бу лавозим, у бизга таъсир қилмаслиги ва биз доимо педагог бўлиб қолишимиз керак».

Вақтдан фойдаланиб, 453-МТМ мудираси Ф.Ориповадан фикр сўрадик:

— Бу йилги шўъба йиғилишларимиз аввалгиларидан тубдан фарқ қилди. Мисол учун, йиллик иш режага бажарилмайдиган 8-9 та эмас, аниқ бажариладиган 3-4 та мақсад олдик. Ва яна МТМ раҳбарларининг услубий бирлашмасидаги вазифаларни ҳам озчилик эмас, барча бирдек бажаришга бел боғладик.

Насиба ЭРХОНОВА

Куни кеча Бектемир туманида туман халқ таълими ходимларининг анъанавий август анжумани бўлиб ўтди. Унда халқ таълими соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилган устозлар, илғор ўқитувчилар, услубчилар, туман ҳокимлиги вакиллари иштирок этишди. Асосийси, анжуманда ортиқча ваъзхонликка йўл қўйилмади. Сабаби, асосий маърузалар матни педагогик жамоаларга ўн кун олдин муҳокама этиш учун етказилган эди. Бу усул анжуманнинг самарали ўтишида асқотди. Семинар-тренингларда эса иштирокчилар кичик-кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда баҳс-мунозара юритишди...

Анжуман якунида таълим-тарбия жараёнида фаоллик кўрсатган устоз-мураббийлар туман ҳокимлиги, туман ХТБ ва касаба уюшмаси таъсис этган совғалар билан тақдирландилар.

Суратларда: анжуман жараёнидан лавҳалар акс этган.

«БАРСЕЛОН—2004» БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганларнинг 26 нафари икки гуруҳда «Барселон—2004» халқаро тинчлик лагерида ўтказиладиган маданият форумида иштирок этишади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти лойиҳаси асосида ташкил этилган бу маданият форумига Барселона, Сараево, Бристоль, Тель-Авив, Газа, Исфахон, Самарқанд, Деҳли, Шанхай, Чунцин, Мехико, Гавана, Рио-де-Жанейро, Санту-Андре, Монтевидео, Мапуту, Жазоир, Йоганесбург шаҳарларидан 12-14 ёшдаги болалар ташриф буюришади ва 10 кун давомида дам олиб қайтадилар.

— «Барселон—2004» форумига таклиф қилинганлар ва уларнинг кузатувчилари учун барча йўл, озиқ-овқат, ётоқхона харажатларини «Барселон—2004» тинчлик лагери ўз зиммасига олади, — дейди 11-меҳрибонлик уйи директори Гулбаҳор Тагаева.

Бундай нуфузли халқаро ташкилот форумларида иштирок этаётган болажонлар ўзлари тайёрлаган миллий ўйинлар, кичик спектакллар, ёдлаган шеърларини форум саҳнасида ўз она тилида ва бошқа тилларда томошабинлар ҳукмига ҳавола этишади.

30 август куни болажонлар Барселонага жўнаб кетади.

Ўткир ПЎЛАТ

Kengash kuni ham shirkat xo'jaligi boshqaruvi raisi Qahramonjon Sattorov xo'jalik a'zolarining sovg'asi —kompyuter jamlamasini o'z hududidagi 27-maktab jamoasiga hadya qildi.

Ma'rifat

Toshkent viloyati Parkent tumani o'qituvchilarining an'anaviy avgust kengashlari yalpi yig'ilishi tumanda ikkita yangi maktab ochilishi bilan boshlandi.

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ:

БУ МУҲИМ ТАДБИР ЖОЙЛАРДА ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛМОҚДА?

СИРДАРЁ

БИРГАЛИКДА, ФИКРЛАШИБ...

оқилона ечим, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди

Мамлакат раҳбарининг 2004 йил 9 февралдаги фармойиши ҳамда 21 майдаги фармони асосида мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини бажариб, жойларда умумий ўрта таълим тизимини тубдан яхшилаш, энг юксак замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий базаси ва таълим

стандартларини шакллантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ва фан хоналари жиҳозланишидаги тафовутларини босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларни ўқитиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 9 июлдаги қарори педагогларни янада руҳлантириб юборди. Бу кайфият ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари жараёнида ҳам сезилиб турди. Барча жойлардаги каби Сирдарё вилояти Сирдарё туманида ўтказилган педагоглар йиғилишида ҳам бу кайфиятни сезиш мумкин эди.

Шу ўринда бир қизиқарли ҳолни келтириб ўтиш жоиз – туман халқ таълими бўлимининг математика фани бўйича услубчиси Ҳалима Раҳматова шу кунларда туғуруқ таътилида, 7 ойлик боласи парвариши билан банд бўлса-да, август кенгашларида қатнашаётганлигини, бунга эса бугунги кунда таълим-тарбияга, айниқса мактабга эътиборнинг ортиб бораётганлиги сабаб бўлганлигини таъкидлади.

— Газеталардан, телевидениедан мактаб таълимини ривожлантириш борасидаги мамлакатимиз раҳбарининг фармойиш ва фармонлари, ҳукуматимизнинг қароридан хабар топдим. Қолаверса, бу йилги анъанавий Август кенгашларининг ноанъанавий тарзда ўтказилишини эшитиб, уйга сиғмадим. Хўжайинни кўндириб, мана бугун кенгашлар ишида иштирок этиб, жуда кўп янгиликлардан бохабар бўлдим, — дея Ҳ. Раҳматова ўз мамнунлигини ифода этди.

Ҳақиқатан ҳам бу галги август кенгашлари ишчан кайфиятда ўтказилди. Сирдарё тумани педагоглари ялпи йиғилишдан бир кун аввал шўъбаларга бўлиниб, тренинг машғулотларида иштирок этишди. Уларда нафақат таълим соҳаси ходимлари, балки фаолияти билвосита таълим-тарбия билан боғлиқ бўлган молиячилар, ҳуқуқ-тартиботчилар, шифокорлар, маҳалла фаоллари ва касаба уюшмалари вакиллари ҳам баббаравар тер тўкишди. 10 та шўъба номланишига назар ташласак, унда мактаб моддий базасини яхшилаш, таълим мазмунини бойитиш, кадрлар таъминоти, жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлиқ масалалари, маънавий-маърифий йўналиш, жисмоний тайёргарлик ва бошқа кўплаб жиҳатларни ўзида жамлаганлигини кўрамиз. Туман ХТБ методика кабинети мудираси Сайёра Умарова бошчилигидаги тренинг тренерлари кун тартибига қўйилган масалаларнинг биргалишиб, фикрлашиб, оқилона ечимларини топишга эришишди.

— Таълим муассасаларини аттестация ва аккредитация қилиш, педагог ходимларнинг аттестациясини ўтказиш, фан хоналарини жиҳозлаш, ташхис, мониторинг ишларини замонавий усулда ташкил этишнинг меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилаётгани айни муддао бўлди. Дарслик, дастур ва ўқув қўлланмаларига бўлган талабларнинг такомиллашган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилмоқда. Ўқитувчилар меҳнатини моддий рағбатлантиришга оид эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисидаги қарор барчамизни қувонтирди, – деди туман халқ таълими бўлими мудири С.Элмуродов.



Шўъба машғулотлари якунлангач, анжуман иштирокчилари таълим тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишди. Жумладан, юрт раҳбарининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонида кўрсатилган вазифаларни босқичма-босқич амалиётга жорий этиш; мактабларни замонавий ўқув ва ўқув лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув услубий материаллар билан жиҳозлаш мақсадида халқаро ташкилотлар, ҳомийлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, собиқ битирувчилар, ота-оналар билан ҳамкорлик ишларини кенг йўлга қўйиш; умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларни олий таълимга жалб этиш, илғор тажрибали фидоий педагог ходимларнинг меҳнатларини рағбатлантириш; умумтаълим фанлари бўйича такомиллашган ўқув дастурлари ва умумий ўрта таълимнинг давлат стандартларини амалиётга жорий этишни давом эттириш ҳамда ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш чора-тадбирларини белгилаш тавсия этилди. Шунингдек, барча таълим муассасаларида таълим-тарбия мазмунига янгича ёндашиш, интерфаол усулларда намунали дарслар ташкил этиш ва улар орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш; болаларни боғчаларга қамраб олиш, ноанъанавий гуруҳлар ташкил этиш ишларини тақомиллаштириш; 2004-2005 ўқув йили «Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили» деб эълон қилиниши муносабати билан барча мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар тасдиқланди.

Шундан сўнг тумандаги турли ташкилот раҳбарларининг табриги ва байрамнинг маданий қисми бошланди. Дастлаб туман ХТБ ходимлари, ҳокимлик вакиллари, ташкилот раҳбарлари, ҳомий ташкилот раҳбарлари, фахрий устозлар кўз ўнгида ёш ўқитувчилар ўқувчиларга таълим-тарбия беришда бор куч-ғайратларини аямасликка сўз беришди. Фахрий устозлар ёш муаллимларга бу борада сабр ва шижоат тилади. Сўнгра илғор, фидойи ўқитувчилар турли қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

Аввалги йиллардаги анъанавий август кенгашларидан фарқли равишда ўтказилган ушбу анжуман сўнгида иштирокчилар юзида зоҳир бўлган кайфият уларни бутун ўқув йили давомида тарк этмаслигини истадик. Зеро, таълим-тарбия жараёнида ўзига хос бир "Старт!" тимсолига айланган ушбу кенгашларнинг яхши кайфият билан ўтганлиги ундан кутилаётган натижанинг самарасини белгилашда ҳам асосий омил бўлади.

МУХБИРИМИЗ

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

АНДИЖОН

СОВҒАГА КОМПЬЮТЕР ВА 2,5 МИЛЛИОН СЎМЛИК КИТОБ

Олтинкўл тумани халқ таълими ходимлари мана бир неча йилдирки, Андижонда илғорлар қаторида. Буни ўтган ўқув йилида эришилган муваффақиятлар салмоғи исботлаб турибди.

Туман таълим муассасаларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифалари муваффақиятли адо этилаяпти. 2-мактабгача таълим муассасаси, 1-умумтаълим мактаби ҳамда 12- ва 24-гимназияларда вилоятдагина эмас, балки республика миқёсида ўрганса арзийдиган ишлар амалга оширилди. 12-гимназия-интернати «Йил мактаби — 2003» республика кўрик-танловида фахрли 2-ўринни эгаллади.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлигининг шу йил 28-29 май кунлари Андижон вилоятида «Узлуксиз методик марказларнинг ўрни ва улар фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари» мавзусида ўтказган кўчма ҳайъат йиғилишида ҳам 12-гимназия-интернатда бу борада амалга оширилаётган ишлар ибратли деб топилди ва мамлакат миқёсида ўрганишга тавсия этилди. Бундай айтишга арзийдиган ютуқлар талайгина. Аммо туман халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида камроқ, олдиндаги ишлар тўғрисида кўпроқ гапирилди.

Бундан 2-3 ой муқаддам туман халқ таълими бўлими кенгашида август кенгашларини ноанъанавий тарзда ҳар бир иштирокчининг фаол иштирокида, самарали мулоқот ва тренинглар орқали ўтказишга келишиб олинган эди. Шунга кўра, туман муаллимлари кенгашдан бир кун олдин фанлар ва таълим-тарбиянинг энг муҳим 37 йўналиши бўйича тренинг машғулотларини ўтказдилар. Тренинг машғулотларини эса республика Таълим марказида махсус тренингларда тайёргарликдан ўтган энг фаол муаллимлар бошқардилар.

Мулоқот-тренингларда билдирилган дадил фикрлар, жўяли мулоҳазалар кенгаш якунловчи қарорида қайд этилди.

Кенгашнинг яна бир аҳамиятли жиҳати — тумандаги ҳар бир таълим муассасаси ҳомий ташкилотлар томонидан кутубхона жамғармаси ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун дарслик ва бадиий адабиётлар билан таъминланди. Китобларнинг умумий нархи 2,5 миллион сўмни ташкил этади.

Тумандаги «Андижон» ширкат хўжалиги ўз ҳудудидаги барча таълим масканларига доимо оталиқ ёрдамларини уюштириб туради. Кенгаш куни ҳам ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Қаҳрамонжон Сатторов хўжалик аъзоларининг совғаси —компьютер жамламасини ўз ҳудудидаги 27-мактаб жамоасига ҳадя қилди.

Август кенгаши — муаллимларнинг бир йиллик фаолиятига ҳақиқий баҳони берувчи мезон. Шу куни муаллимларни туман ҳокими Р.Маматқодиров, фахрийлар, ҳомий ташкилотлар раҳбарлари мустақиллик айёми ва янги ўқув йили билан самимий муборакбод этдилар.

Кенгаш иштирокчилари туман халқ таълими бўлимининг 2004-2005 ўқув йилида таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш дастурини қабул қилдилар.

Вилоятнинг Хўжаобод, Жалақудуқ туманлари ва Асака шаҳри халқ таълими ходимлари ҳам шу кунларда август кенгашларини қизғин ва мунозараларга бой тарзда ўтказдилар.

О.СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

АНЖУМАН БАЙРАМДЕК ЎТДИ

Тошкент вилояти Паркент тумани ўқитувчиларининг анъанавий август кенгашлари ялпи йиғилиши туманда иккита янги мактаб очилиши билан бошланди. Яъни, тумандаги 3-мактаб биноси «Бойқозон» ширкат хўжалиги қурувчилари томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, 45-мактаб биноси ҳашар йўли билан барпо этилди. Ушбу мактаблар 62 миллион сўмлик ўқув мебеллари билан таъминланди.

Уларнинг очилиш маросимида туман ҳокими Мирзамашраб Кўччиев барча йиғилганларни қутлаб, муаллимларга янги ўқув йилида эришилажак ютуқларга янги мактабда ўқийдиган ўқувчиларнинг янгича иштиёқ билан таълим олиши учун барча шароит мавжудлигини таъкидлади. Сўнгра туман халқ таълими бўлими мудири Муҳсиддин Ҳасанов ҳукумат томонидан ёшларнинг билим ва касб-ҳунар эгаллашлари учун тегишли шароитлар яратиб берилаётгани, уларнинг онгу шуурини илм-маърифатлари билан мунаввар этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакат Президентининг таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган 2004 йил 19 февралдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони диёримиздаги таълим тизимини ривожлантиришга катта туртки бергани рост. Ушбу фармон асосида Паркент туманидаги мавжуд мактабларнинг ҳолатлари ҳам ўрганиб чиқилди ва 2009 йилгача бўлган даврга мўлжаллаб, дастур ишлаб чиқилди. Бу дастурни амалга ошириш учун республика бюджетидан катта миқдордаги маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. 2003 йил мавжуд мактабларни капитал таъмирлаш учун бор-йўғи 25 миллион сўм ажратилган бўлса, жорий йилда бу рақам 115 миллион сўмни ташкил этди. Бир сўз билан айтганда 2009 йилга бориб Паркент туманидаги моддий-техника базаси ночор бўлган мактаблар ҳам тўлиқ реконструкция қилинади ва замонавий мактабларга айлантирилади.

Ялпи йиғилишдан бир кун олдин август кенгашлари шўъба йиғилишлари ноанъанавий усулда ўтказилганини таъкидлаш жоиз. Шўъба йиғилишларида ўқитувчилар ҳар бир фан бўйича ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлару йўл қўйилган камчиликлар тўғрисида муҳокамалашиб, янги ўқув йилида ана шу нуқтаи назардан иш юритиш бўйича келишиб олдилар. Жумладан, она тили ва адабиёт шўъба йиғилишида 155 нафар ўқитувчи қатнашди. Тумандаги 30-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Икром Ортиқов раҳбарлик қилган йиғилишда асосан она тили ва адабиёт фанларини давлат дастури асосида режалаштириш, дарс ўтишнинг интерфаол усуллари, 11-синф дарсликларининг лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосига ўтказилиши ва шу асосда тузилган янги дастурнинг ўзига хос хусусиятлари, янги яратилган айрим дарсликлар юзасидан ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Дарс ўтишнинг интерфаол усуллари ҳақида маълумот берилди. Йиғилиш давомида интерфаол усулни аста-секин ижодий тафаккури кучли синфларда кўпроқ жорий этиш, бўш синфларда босқичма-босқич олиб бориш, кўпроқ якунловчи дарсларда қўллаш тавсия этилди. Шўъба йиғилиши сўнгида ўқитувчилар айрим дарсликларнинг қимматлилигини ҳисобга олиб, ижара тизимини тезлаштиришни таклиф қилишди. Барча фанлар бўйича шўъба йиғилишларида муаллимлар бир қарорга келишгач, ялпи йиғилиш Паркент шаҳридаги сўлим боғда ўтказилди. Анжуманни туман халқ таълими бўлими мудири Муҳсиддин Ҳасанов очар экан, у аввалги йиллардагидек маъруза қилмади. Чунки унинг маърузаси «Паркент тонги» газетасида ва китобча шаклида нашр этилган бўлиб, август кенгаши иштирокчилари ундан ўқув йили давомида ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Туман ҳокими Мирзамашраб Кўччиевнинг маърузаси ҳам газета ва китобчада чоп этилгани боис, туман раҳбари йиғилганларни ўзига хос байрам билан табриклаб, ўтган ўқув йилида муваффақиятларга эришган муаллимлару фахрий педагогларга совғаларини топширди. Таниқли шоир Маҳмуд Тоиров ўқиган шеърлар йиғилганлар қалбига муҳрланди. Ўз навбатида сўз олган 11-мактаб раҳбари Асқар Турсунов ўтказилган шўъба йиғилишлари Халқ таълими вазирлиги ва РТМ тавсиялари асосида кўнгилдагидек ўтганини таъкидлади. Меҳнат фаолиятини эндигина бошлаётган ёш ўқитувчилар устозлари олдида бу улуғ касб бошини тутаётганидан фахрланишини таъкидлашиб, муносиб ишлашга сўз беришди.

Тумандаги 9-боғча мудираси Орифа Холдорова эса биз билан суҳбатда бугунги кунда таълим-тарбияга берилаётган эътибор эртага, албатта, ўз мевасини беришини таъкидлади. 9-мактаб раҳбари Мирзаакбар Миракбаров ҳам эътиборга яраша меҳнат қилиш зарурлигини билдирди.

Анжуман сўнгида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоев ижросидаги қўшиқлар барчани мамнун этди. Ўйлаймизки, сўлим боғда ташкиллаштирилган ушбу анжуман иштирокчиларнинг янги ўқув йилини хушкайфиятда бошлашига замин бўлди.

Шерали НИШОНОВ,
«Ma'rifat» мухбири
Сурат-лавҳаларни Бурҳон РИЗО олган.

МАХСУС ТАЪЛИМ: БОШ МАҚСАД— МАЗМУННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Куни кеча 103-мактаб-интернатда Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси методика маркази ҳамкорлигида махсус таълим муассасалари ходимларининг "Махсус таълим мазмунини такомиллаштиришда замонавий ахборотлар ва педагогик технологиялар" мавзусидаги август кенгаши бўлиб ўтди. Ўзига хослиги билан ажралиб турган мазкур кенгашда иштирокчилар ўзлари меҳнат қилаётган республикамизнинг турли ҳудудларида мавжуд махсус таълим муассасалари ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, ислоҳотларнинг бориши, эришилаётган ютуқлар ва мавжуд муаммолар ечими, келгуси вазифалар хусусида фикр алмашдилар.

Шунингдек, Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан таълимга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик алоҳида эътироф этилди. Истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Кенгашнинг ҳар бир иштирокчисига тадбирнинг дастури, август кенгашларида махсус таълим шўъба йиғилишларини ўтказиш бўйича тавсиялар, "Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар махсус умумий ўрта таълим муассасалари учун ўқув режаларини тасдиқлаш ҳақида" 163-сонли ХТВнинг буйруғи, эндигина бу соҳага қадам қўйган ёш мутахассисларга эса дефектологнинг қасамёди тарқатма материал сифатида берилди. Куннинг биринчи ярмида сурдопедагогика ва олигофренопедагогика йўналишида, 8 та шўъбада иш олиб борилди. Шўъбалар иши Тошкент шаҳридаги 101-, 102-,106-,66-,105-мактаб-интернатларнинг дефектолог-ўқитувчилари ва 87-,25-,199-мактабларнинг фан ўқитувчилари ўз йўналишлари бўйича ташкил этган амалий машғулотлар билан қўшиб олиб борилди.

— Махсус таълим муассасалари ходимлари учун август кенгаши бундан 5-6 йил олдин Самарқандда бўлиб ўтган эди. Бу сафарги август кенгашини ташкил этиш, меҳмонларни кўнгилдагидай кутиб олишда Ҳамза тумани ХТБ, 103-мактаб-интернат жамоасининг хизматлари катта бўлди. Бутун республика, шаҳар август кенгаши иштирокчиларига мезбонлик қилиш учун жамоа ҳам анча тайёргарлик кўрган. Уларнинг барчасига иштирокчилар номидан миннатдорчилик билдираман. Бу кенгашдан олган таассуротлар, янгиликларимни жамоамга боргач, барча ҳамкасбларим билан ўртоқлашаман, — дейди Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидаги 62-ёрдамчи мактаб директори Раҳима Султонова.

Кенгаш сўнггида ялпи йиғилиш ўтказилиб, ўз соҳасининг мураббийлари, новатор ўқитувчи-устозларга Фахрий ёрлиқлар топширилди. Махсус таълим тизимига энди кириб келаётган ёш педагогларнинг қасамёд қилиш тадбири ўтказилди.

Назокат ХОЛМЕТОВА,
"Ma'rifat"мухбири

ТАНҚИДИЙ РУҲДАГИ ТАҲЛИЛ

Бу йилги Тошкент шаҳар мактабгача таълим муассасалари ходимларининг анъанавий август кенгашига "Илк ёш — таълим тизимининг пойдевори" мавзуси танланди. Ушбу мавзу танланишининг муддаоси аниқ: таълим пойдевори МТМ бўлса, МТМ пойдевори илк ёш гуруҳлари. Шундай қилиб пойтахт миқёсидаги илк ёш гуруҳлари ходимларининг август кенгашларининг шўъба йиғилишлари Чилонзор туманидаги 368-МТМда ўтказилди. Кенгаш иши 7 та шўъбага бўлинган ҳолда олиб борилди.

ИЛК ЁШ ГУРУҲИНИНГ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ МУҲИТИ ҚАНДАЙ?

"МТМ илк ёш гуруҳларида предметли ривожлантирувчи муҳитни яратишда раҳбарнинг ўрни" шўъбаси аъзолари юқоридаги масала ечимларини ўртага ташлади. Жавоб эса шундай бўлди: "Илк ёш гуруҳдаги болага ҳар қандай билим ўйин орқали берилади. Демак, бизнинг китобу дафтарларимиз ўйинчоқ". Пайтдан фойдаланиб 561-МТМ мудираси Гуллола Ибрагимова ўйинчоқлар мажмуасини намойиш қилди. Уларнинг ҳар бири болани ҳар томонлама, ҳатто бирлари 38 хил қобилиятни ривожлантирувчи ўйинчоқлардир. Хусусан, "Қувноқ ёстиқча", "Сеҳрли қутича", тошбақа ўйинчоқларида ҳис қилишдан тортиб, бош қотиришу ранг ажратиш ва геометрик шакллар доскасигача қамраб олинган. "Тўтиқуш", "Қўзиқорин" ва айниқса, "Сеҳрли уйча"лар 100 дан ортиқ машғулотларга кўргазма бўла олади. Буларнинг барчасини амалий тарзда тарбиячилар томонидан 368-МТМ мудираси М.Эшонқулова ўтказган тренингларда исботлади.

"ТИББИЙ ПЕДАГОГИК КЕНГАШ" НИМА?

Илк ёш гуруҳ боласининг доимо ҳамшира назоратида бўлиши йил давомидаги хулосаларга кўра инобатга олиниб, тарбиячи ва ҳамшираларнинг ҳамкорлиги бўйича 2-шўъбада баҳс борди. Уларнинг қандай иш олиб бориши бўйича амалий тавсия ҳам ишлаб чиқилди: ҳар бир чоракда тарбиячи ва ҳамшира болаларнинг ёш хусусиятларига кўра олиши керак бўлган билимларни назорат қилади ва мужассам машғулот ўтказади. Шунингдек, бу шўъба вакиллари боғчага қамраб олинмаган болалар, уларнинг ота-оналари учун МТМ қошида маслаҳатхоналар очиш ва улар билан қандай ишлаш устида тажриба алмашди.

НУТҚ ЯККА ҲОЛДА РИВОЖЛАНИШИ МУМКИНМИ?

Илк ёшдан кейин бола фаол гапира бошлайди. Демак, бу гуруҳларда нутқ ўстиришга жиддий эътибор берамиз. МТМларнинг илк ёш гуруҳларида болаларнинг нутқ ва тафаккурини ривожлантиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш шўъба жамоаси бир овоздан "йўқ" деб жавоб беришди ва фикрни амалда исботлаб берди. 3 соат тер тўкилгандан кейин улар шундай хулосага келишди: бола қўли билан ишлаб, оғзи билан гапириб, ақли билан тафаккур қилгандагина фикрлаш ва нутқ қобилияти тўлиқ ривожланади. Олайлик, болани эртаклар оламига саёҳатга чорлаймиз ва илк ёш гуруҳининг севимли эртаги "Бўғирсоқ"ни жуда кўплаб майдалаш йўли билан машғулот ўтказилади. Бола эртак кетма-кетлигини билади, агар у бузилганда бошқа эртак тузишга киришилади. Ёки математикада геометрик фигураларни тасвирлаш, улар билан ўйнаш ва қўғирчоқ театри орқали боланинг нутқида равонликка эришишнинг афзаллигини тренингдагилар ўз ишларини ҳимоя қилганда кўрсатдилар.

КИЧКИНА БОЛА: У ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТИДА НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Илк ёш гуруҳларида жисмоний тарбия машғулотларига қўйиладиган талаблар шўъбаси иштирокчилари бир дунё янгиликларни ўртага ташлади. Масалан, 100 дан ортиқ бола мускулларини чиниқтирувчи машқлар, боғча спорт залида марказларга тақсимланган ҳолда ўйнаш, қувноқ ўйинлар, массажли машғулотлар бўйича ишлаш афзаллигини жамоаларга бўлиниб кураш олиб борган мутахассислар амалда намойиш қилишди.

ҲУЖЖАТ ЮРИТИШДА ЯНГИЛИК БОРМИ?

Таълим-тарбия жараёнини ёритувчи ҳужжатларга қўйиладиган талаблар шўъбаси тренери Фотима Дадахонованинг икки оғиз фикрини келтириш ўринли:

— Бугунги кун мактабгача таълим муассасаси ота-оналар ўртасида педагогик тарғиботни жонлантиришни талаб қилади. Бунинг учун алоҳида иш ҳужжатлар ва "Очиқ эшиклар куни"ни ўтказишнинг энг оптимал вариантини танладик. Анъанавий тарздаги таълим-тарбия жараёнини ёритувчи иш ҳужжатларимизда ҳам энди қуруқ баёндан кўра кўргазмалиликка ўтиш муҳим. Шунингдек, машғулотларни йиллик режалаштириш, машғулот ишланмаларини тайёрлаш, кузатув-мониторинг ҳужжатларини содда ва аниқ қилиш тарбиячи иш услубига таъсир қилади. Бу бўйича Юнусобод тумани ўзининг аниқ иш тажрибаси ва методик тавсияси билан келиб, иштирокчиларга тақдим қилди.

ИЛК ЁШ ГУРУҲИ: ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Боланинг тасвирий фаолият орқали гўзалликка бўлган қизиқишини шакллантиришга қаратилган шўъба вакиллари дунё педагогик методларидаги ранг тасвир билан ишлаш усулларининг қизиқарли ва содда эканлигига тўхталишди. Мисол учун, бола кафтини бўёққа ботириб, қоғозга босади. У оққуш, капалак, хўроз, қуёш...лар аксини кўради. У ўзининг кашфиётидан ўзи завқланади ёки бармоқларини асосий 4 та ранг билан бўяб, босиш орқали ҳам севимли ҳайвонларини чизади ёки шунчаки қоғозга бўёқ томизиб, уни иккига буклайди. Очилганда бола тасвирнинг нимага ўхшашлигини ўйлайди, тафаккур қилади...

МУАММОЛАР ЕЧИМИ МУҲИМ

Илк ёш гуруҳ тарбиячиларига ташкил этилган метод бирлашма раҳбарлари билан ишлаган шўъба тренери Ирина Байсалова энг қизиқарли ўйин фаолиятлари намунаси билан ҳимояга чиқиб, шўъба ишларига якун ясади. Шундан сўнг Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси мактабгача таълим бўлими бошлиғи Мухтабар Алимтоева илк ёш гуруҳ тарбиячилари учун мурожаат ва табрикни ўқиб эшиттиргач, йиллик таҳлилни ҳамкасблари билан кўриб чиқди. Ютуқлар ва эришилган марралар тилга олинди. Бироқ муаммолар ечими ва белгиланган вазифалар эътирофи муҳимроқ. Ушбу муносабатдан келтирамиз:

— Болаларнинг уч ёшгача бўлган даврида асосий тушунча ва кўникмалари шаклланади. Бу жиҳатни инобатга олиб, янги ўқув йилида мактабгача таълимда болалар билимига қўйиладиган давлат талаблари асосида болалар билим, малака, кўникмаларининг мониторингини олиб бориш, оиладаги болаларни МТМларга қамраб олиш, қамраб олинмаганларнинг ота-оналарига педагогик-психологик ва методик консультатив хизматларни ташкил қилиш, уларни мактабга тайёрлашда ноанъанавий гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйиш кабиларни асосий вазифамиз сифатида қараймиз. Чунки ТШХТББ тасарруфидаги МТМларнинг 988 та илк ёш гуруҳларида 3 ёшгача бўлган 33333 болажонларнинг 16820 нафари қамраб олинган. Бу 50,4 фоизни ташкил қилади. 18296 нафар болажон эса оила тарбиясида. Кўрсаткичларни яхшилаш ҳар бир тарбиячидан алоҳида масъулият талаб қилади.

Ана шундай танқидга мойилроқ таҳлилдан 200 дан зиёд мутахассиснинг ҳар бири ўзига тегишли вазифаларни белгилаб олди. Кенгаш ишига сўнгсўз ўрнида холис баҳо берсак: ҳар бир иштирокчи ўзаро тажриба ва янгиликлар алмашди, туманлараро методик тавсияномалар ўзаро тақдим қилинди, йиллик иш режалар устида фақат мудиралар эмас, бутун жамоа ишлади, маъруза қилиш усулидан воз кечилиб, тренинг машғулотларида барча бирдек тер тўкди.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Lekin sovet istibdodi davrida milliy ma'rifatimiz va maorifimizning begunoh qatag'onga uchragan ko'plab namoyandalari kabi Husan G'oziyev ham o'zbek tilining davlat tili bo'lishini, buning uchun bir kun kelib O'zbekiston o'z mustaqilligiga erishishini orzu qilardi.

Qatag'on qurbonlari

ТИЛШУНОС ОЛИМ ҚИСМАТИ

Ҳусан Ғозиев 1906 йилда Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида қози оиласида тавалуд топади. Унинг отаси диний илм, шариат қонун-қоидаларидан хабардор бўлганлиги учун ўғли Ҳусанжоннинг ҳам ёшликдан илм олишига эътибор беради. У аввал Шаҳрихондаги замонавий (усули жадид) мактабларида ўқийди. Шу билан бирга отасининг эски шариат қонун-қоидаларига оид фикр ва суҳбатларидан баҳраманд бўла боради, унинг шахсий кутубхонасидаги баъзи бир диний ва дунёвий китобларни олиб ўқий бошлайди. Отасига ёрдамчи бўлиб, унинг олдига келган турли ёру дўстларининг суҳбатларидан ҳам баҳраманд бўла боради. Отаси вафотидан сўнг бирмунча вақт оиласига моддий жиҳатдан кўмакчи сифатида турли ишлар билан шуғулланади. Лекин шунга қарамасдан ўқиш ва билим олишга бўлган чанқоқликни унутмайди. 1926 йили Шаҳрихондаги бошланғич синф учун ўқитувчилар тайёрловчи 6 ойлик курсга кириб ўқийди. Уни битиргач, 1927 йили шу ердаги маҳаллий ёшлар ўқийдиган мактабнинг бошланғич синфларига дарс беради. Бу билан чекланиб қолмай ўқишни давом эттириш учун 1927-1929 йилларда Фарғонадаги педагогика билим юртида ўқийди. Уни муваффақиятли битиргач, Наманганга бориб, 1929-1931 йилларда педагогика билим юртида ўқитувчилик қилади. Шу даврда у ерда яшаб ва ишлаб турган Муҳаммадшариф Сўфизода, Рафиқ Мўмин, Абдулла Тўқмуллин ва бошқа таниқли шоир ҳамда педагогларнинг асарларидан баҳраманд бўлади. Лекин бу ердаги баъзи синфий "ҳушёр" ғаламислар уни «отаси ўтмишда қози бўлган» деган айб билан ўқитувчиликдан четлаштиришга эришадилар. Педагоглик касбини севган ва ёшларга билим бериш иштиёқи билан ёнган ёш ва ғайратли Ҳусан ака бу ноҳақликларга чек қўйиш учун Тошкентга келиб, Ўзбекистон ишчи касабалар уюшмасига ариза бёради. Мазкур ташкилот Ҳусан Ғозиев аризаси билан танишиб, ишдан ноҳақ бўшатилганлигини аниқлагач, уни Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига юборади. Маориф комиссариати эса унга Тошкентдаги педбилим юртига ўқитувчиликка йўлланма беради. Ва у шу ерда то 1934 йилгача ўзбек тилидан дарс беради.

Илмга чанқоқ бўлган Ҳусан Ғозиев педагогик ишларни илмий тадқиқот ишлари билан боғлаш учун 1934 йилда Ўзбекистон Фанлар Комитети қошидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ўқишга кириб, уни 1937 йил муваффақиятли тугатади. Аспирантурада ўқиш давомида Иззат Султон, Мансур Афзалов, Аюб Ғуломов, Олим Усмонов, Шарифа Абдуллаева ва бошқа аспирантлар қатори шу йилларда институтда ишлаган профессор Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Миён Бузрук Солиҳов ва бошқалардан ўзбек адабиёти, тили тарихи бўйича махсус курс маърузаларини тинглайди, уларнинг бу борадаги асарларини қунт билан ўқиб, ўргана бошлайди. 1938 йилгача янги алифбони ўрганиш комитетида илмий ходим, сўнгра 1938-1942 йилларда Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлайди. Шу давр ичида олимнинг "Орфография ўқитиш методикаси" (Ҳаммуаллифликда. Т., 1935), "Тил машқлар тўплами" (1-2-синфлар учун дарслик (ҳаммуаллифликда), Т., 1937), "Ҳозирги замон ўзбек тили грамматикаси" (Ўрта мактаблар учун, Т., 1939), "Синтаксис", (VI-VII синфлар учун дарслик. Т.,

1941) каби илмий-методик ва педагогик қўлланма ва дарсликлари босилиб чиқади. Лекин шунга қарамасдан олимнинг бу даврдаги баъзи бир мақолаларида совет даврининг 20-30-йилларда ўзбек тили ва адабиёти соҳасида фаол иш олиб борган Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Қаюм Рамазон ва бошқаларнинг хизматларини вульгар социализм руҳида нотўғри талқин қилишлар ҳам учрайди. (Масалан, Ҳусан Ғози, Фахри Комил "Тил имло соҳасидаги контрреволюцион ғояларни томири билан қуритайлик", "Қизил Ўзбекистон" газетаси, 1937 йил 23 ноябрь, Ҳусан Ғозиев "Адабий тилимиз ҳақида". Китобда: "15 йил ичида ўзбек совет адабиёти" Тошкент — 1939 йил, 173-201-бетлар). Олимнинг фаолияти 1942 йилнинг сўнгги ойларидан бирида Ўзбекистонда бунгача кечган сиёсий қатағонларнинг кейинги даҳшатли тўлқинлари гирдобига тортила бошланди. Ва 1942 йил 19 ноябрда кеч тунда сохта чақув, туҳмат туфайли унинг уйида тинтув ўтказилиб, ўзи қамоққа олиб кетилди. Орадан икки ҳафта ўтгач (1942 йил 3 декабрда), унга қўйилган сиёсий айбнома бўйича тайёрланган қарорнома ўқиб эшиттирилди. Ички ишлар халқ комиссари давлат хавфсизлик хизмати лейтенанти Габетаров қарорнома билан таништириб, айбланувчи Ҳусан Ғозиевга имзо ҳам қўйдириб олади. Бу айблов қароридан бир ҳафтача бурун (яъни 1942 йил 25 ноябрда) терговчи айбланувчи Ҳусан Ғозиевни сўроққа тутиб, Тошкент ва Андижондаги таниш-билишлари ва улар билан бўлган алоқаларидан тортиб, уларнинг советларга бўлган муносабатларини аниқловчи саволлар бера бошлайди. Ҳусан Ғозиев уларнинг саволларига ҳалоллик билан аниқ жавоб беради. Жумладан, таниқли тилшунос олим Аюб Ғулом ҳақида сўраганда Ҳусан Ғозиев унинг тилшунос, адабиётшунослар ўртасидаги обрў-эътибори, билимига юқори баҳо беради. Унинг акалари Ботир ва Мансур Ғуломовларнинг репрессияга учраганлигини Аюб Ғуломов унга айтганлигини сўзлайди.

1942 йил 2 декабрда терговчи Ҳусан Ғозиевни яна чақиради. Бу сафар энди терговчи унинг ижтимоий келиб чиқиши ва меҳнат фаолиятидан тортиб, Тошкентга келиш сабаблари-ю Андижон ва Тошкентдаги танишлари ва улар билан алоқаларидан тортиб, армияда хизмат қилмаганлигининг сабаблари, танишларидан Розиқ Қодиров, Фахриддин Маликов ва бошқаларнинг сиёсий қиёфалари қандайлигигача сўраб-суриштира бошлайди. Ҳусан Ғозиев терговчининг бу маккорона саволларига ҳам аввалгидай аниқ, ҳалоллик билан бирин-кетин мантиқий жавоблар беради.

Шундан кейин Ҳусан Ғозиев билан бирга мазкур айблов билан қамалган Розиқ Қодиров, Фахриддин Маликов ва бошқалар ҳам кетма-кет терговга чақирилиб, улар устига қўйилаётган мазкур айбнома бўйича кўргазма бериш талаб қилинади. Уларни зиндон азоби ва тергов қийноқларига солишади. Улар ҳам бу ҳақда тахминан Ҳусан Ғозиев берган кўргазмаларга яқин жавоб қиладилар. Ва, ниҳоят, улар қамалгандан сўнг қарийб олти ой вақт ўтгач, терговчилардан бири 1943 йил 23 апрелда озодликда бўлган таниқли тилшунос олим Аюб Ғуломовни Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссарлиги давлат хавфсизлиги терговига чақиртиради. Сўроқ 1943 йил 23 апрель кеч соат 10.20 да бошланиб, 1943 йил 24 апрел соат 3.45 гача (яъни тонготаргача) қарийб беш ярим соат давом этади.

Ҳусан Ғозиев қамалган кунидан бошлаб қарийб бир ярим йилча тергов ва қамоқ қийноқлари, уйқусиз тунлар, азоблар туфайли соғлиғи анча ёмонлашади, қисман "айбларини" бўйнига олади. Ва оқибатда 1944 йил 12 февралда СССР ички ишлар халқ комиссарлигининг махсус мажлиси қарори билан айбдор Ҳусан Ғозиев ҳам гўё советларга қарши бўлган Тошкентдаги миллатчилар гуруҳининг иштирокчиси сифатида 8 йилга меҳнат-тарбия лагерига сургун қилинади. Ҳусан Ғозиев билан бирга қамалган Тошкент шаҳар маориф бўлими методисти Розиқ Қодиров, мактаб ўқитувчиси Фахриддин Маликов, савдо ходими Ғозибек Каримов ва бошқалар ҳам қийнаш асосида айбларини «бўйнига оладилар» ва мазкур айблар билан улар ҳам турли муддатга бадарға қилинадилар. Булар ичида, советларга қарши бўлган миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлганман, мени бу йўлга тортган Розиқ Қодиров бўлади ва ҳоказо тарзда кўргазма бериб ўтган тилшунос олим Аюб Ғуломов ғайритабиий равишда ҳибсга олинишдан қутулиб қолади. Сургунга юборилган Ҳусан Ғозиев ва бошқа шериклари Россиянинг турли узоқ ерларида қаҳратон қиш совуқларида ўрмон кесиш ва бошқа оғир жисмоний ишларда ишлай бошлади, унинг орқасида қолган оила аъзолари, ёш гўдаклари эса оғир қийинчиликларни бошдан кечира бошлайдилар. Бу ҳақда Ҳусан Ғозиевнинг ўғилларидан бири, техника фанлар номзоди Усмонжон Ғозиев шундай хотирлайди: "1942 йилнинг ноябрь ойида 3,5 ёшда бўлсам ҳам отамнинг ҳибсга олинишини асло унута олмайман. Мен уйимизга кираверишдаги коридорнинг биринчи хонасида ухлар эдим. Кимларнингдир оёқ товушлари, ҳаяжонли овозлари эшитиларди. Аямнинг изтироб ва йиғи товушларидан алаҳсираб, уйғониб кетдим. Хирароқ ёритаётган лампа ёруғида иккита фуражкали киши ва елкасига кийим-кечак халтасини осиб олган дадам ва ичкари уйдан йиғлаб чиқаётган аямни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдим, мени титроқ босиб: — Дада, қачон келасиз? — дедим. Дадам бироз титроқ овоз билан: — Яқинда келаман ўғлим! — дедилар... Эсимда бори шуки, дадам ётган қамоқхона катта майдондаги тиканли симлар билан ўралган, бир нечта бараклар бўларди. Ўша ердаги хоналардан бирида дадам билан учрашувга рухсат бериларди. Кейинчалик билсам, Зангиотадаги маҳбуслар лагери экан. Ўша йилларда транспорт қийинчиликлари туфайли ит азобида у ерга бориб, дадамдан хабар олиб келардик. Аям уй бекаси бўлганлиги ва биз ёш қолганимиз учун бизларга кейинчалик асосан тоғаларим, машҳур фан ва давлат арбоблари бўлган Тошмуҳаммад ва Аҳмад Саримсоқовлар ҳамда оппоқ дадамлар моддий ва руҳий ёрдам бериб турардилар. Аччиқ алам ва оғир турмуш онамнинг соғлиғини тобора ёмонлаштириб юборди. Натижада Кўкчадаги уйимиздан Оқ-масжитдаги (марказий телеграфдаги) бувамларнинг уйига кўчиб яшай бошладик. Мен бу вақтда иккинчи синфда ўқирдим.

Кейинчалик, тахминан 1945-46 йилларда дадамни Қўйлиқ ота яқинидаги маҳбуслар касалхонасига ўтказишган. У ерга тез-тез бориб, дадамнинг тиканли симлар ортидан қўлларини кўтариб, хайрлашганини эслаймиз.

1948 йилда дадамни Мордова АССР, яъни Саранскка сургун қилишган. Шундан сўнг бир-икки йил ўтгач, онамнинг юрак хасталиги хуруж қилиб, 1949 йил декабрда оламдан ўтдилар, биз эса қариндошлар уйида қолдик. У ердаги азоб-уқубатларни ва ўзларининг қамалишига нималар ва кимлар сабаб бўлганлигини билмайман, дадам қамоқдан келганидан кейин ҳам бизга айтмаган ва бу ҳақда сўрашни ҳам ёқтирмаганлар. Бу ҳақида фақат дадам билан бирга қамоқда бўлган баъзи бир маҳбусларнинг Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ёзган хотираларидангина ўқий бошладик. Жумладан, бу ҳақда ўша ерда "сиёсий маҳбус" сифатида дадам билан бирга бўлган Мирмажид Зокировнинг ҳужжатли хотирасидан ("Шарқ юлдузи" 1998 йил, 1-сон) билдик.

1953 йил Сталин вафотидан қарийб бир ярим йил ўтгач, у ўша ердаги маҳбуслар лагеридан 1954 йил 22 декабрда Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари ўртоқ Бизовга ариза беради. Унда Ҳусан Ғозиев 1942 йилда советларга қарши бўлган миллатчилик гуруҳининг иштирокчиси сифатида бегуноҳ 8 йилга қамоқ-сургунга ҳукм қилинганлиги, ўзининг эса ҳеч қандай советларга қарши бўлган миллатчилик ташкилотида қатнашмаганлиги ва бу борада тарғибот ҳам олиб бормаганлигини ёзади. Айби эса фақат 4-5 киши ўртасида бўлиб ўтган советларга қарши руҳдаги суҳбатларга қулоқ солиб, уларни ички ишлар халқ комиссарлигига хабар бермаганлигида, деб билади. Шуларни ҳисобга олиб унинг айблов ишларини қайта кўриб, сургундан озод қилишларини сўрайди. (Мазкур архив, 2-жилд, 126-бет). Шундан яна бирор йилча вақт ўтгач, 1955 йилда Ҳусан Ғозиев сургундан озиб-тўзиб қайтади. Бунгача эса унинг оила аъзолари, ёш гўдаклари асосан қариндош-уруғлари қўлида қолиб, бир-бирларига интизор бўлиб яшашади. Советларга қарши бўлган аллақандай душманнинг болалари ва оила аъзолари сифатида шубҳа ва қўрқув остида яшайдилар. Тилшунос олим Ҳусан Ғозиев сургундан қайтгач ҳам ўз соҳасига йўлатилмайди, таниш-билишларининг ёрдами билан шаҳардаги ногиронлар уйида тарбиячи бўлиб ишлайди. 1957 йилдан сўнггина Тил ва адабиёт институтига кичик илмий ходим бўлиб ишга олинади ва аввалдан бошлаган илмий иши "Ўзбек пунктуацияси тарихи" (XI-XII асрлар ўзбек ёзуви материаллари асосида) мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлайди. Умрининг охиригача ўзбек тили грамматикаси, орфографияси, пунктуациясига оид кўплаб илмий мақолалар ва монографиялар нашр қилди. (Масалан, Ҳусан Ғозиев "Ҳозирги ўзбек адабий тили II. Синтаксис" (Тошкент, Фан, 1966), "Октябрь революциясидан олдинги ва кейинги ўзбек пунктуациясининг баъзи масалалари" (Тошкент, Фан, 1969), "Ўзбек пунктуациясининг тарихий тараққиёти" (Тошкент, Фан, 1979) ва бошқалар. Ҳусан Ғозиевнинг илмий-педагогик фаолияти, шогирдлар тайёрлашдаги самарали хизматлари, инсоний фазилатлари ҳақида республиканинг матбуот саҳифаларида қатор мақолалар ҳам босилди. (Масалан, Э.Бегматов, "Олимлик ва одамийлик шарафи", "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 1968 йил, №4, Аҳмедов А., Бегматов Э. "Ҳусан Ғозиев", "Ўзбек тили ва адабиёти", 1976, №6, ва ҳ.к.).

Таниқли тилшунос олим Ҳусан Ғозиев узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1971 йили 65 ёшида вафот этади. Агар у ҳаёт бўлганида шу кунларда қарийб 100 ёшга яқинлашган бўларди. Лекин совет истибдоди даврида миллий маърифатимиз ва маорифимизнинг бегуноҳ қатағонга учраган кўплаб намояндалари каби Ҳусан Ғозиев ҳам ўзбек тилининг давлат тили бўлишини, бунинг учун бир кун келиб Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришишини орзу қиларди. Унинг орзуси 1991 йил 1 сентябрда амалга ошди. Бугун республикамиз ўз мустақиллигининг 13 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Ўзбек тили эса ҳақиқий давлат тилига айланди. Шаҳримизнинг маркази Юнусобод туманида қатағон қурбонларининг хотирасини ёд этиш мажмуи барпо этилди. Унда совет даврида бегуноҳ қатағонга учраган кўплаб ватандошларимиз каби 40-йиллар бошларида туҳматга учраб, узоқ вақт сургунда бўлиб қайтган тилшунос олим Ҳусан Ғозиевнинг номи ҳам қайд этилган. Бугун авлодлари, ватандошлари унинг ўзбек тилшунослиги, маорифи тарихидаги самарали хизматларини яна бир бор эслаб, олимнинг хотирасини муносиб тарзда эъзозлайдилар.

Шерали ТУРДИЕВ

Акциядорлик Тижорат

"ПАХТАБАНК"

Кенгаши ва Бошқаруви

азиз Ватанимизнинг барча фуқароларини,
ўз акциядорларини, хорижий элчихоналар,
ваколатхоналар жамоаларини Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 13 йиллик тўйи билан самимий қутлайди!
Барчага мустаҳкам соғлик, узоқ умр, бахт-саодат
тилаб қоламиз!

"ПАХТАБАНК" ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

"НАМАНГАНСАВДО" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Барча юртдошларимизни, мамлакатимиз таълим тизимида меҳнат қилаётган фидойи устоз ва мураббийларни республикамиз мустақиллигининг 13 йиллик тўйи билан самимий мубораквод этади!



БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНГИЗ СЕРФАЙЗ ВА БАРАКАЛИ БЎЛСИН!

БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

— Барибир мошина тополмайди, — деди Барно. — Ким шундай пайтда мошинасини беради? Товга чиқиш учун... Ана, девордан ошинг. Қор тиззангизга чиқади.

— Ҳа, — дедим ва тоққа — арчазорларга, ҳеч қурмаса, ўтган йили Абдуллажонлар билан борган манзилимиз боши — Зовбошигача ҳам чиқиб боролмаслигимни ҳис этиб, бироз хит бўлдим.

— Раъножон, жиндак қуй ановундан... Энажон, хотиржам бўлинг. Мен ўзим биламан. — Шунда ғолибо собиқ—азиз дарсхонам кўз олдимга келди-ю, кириб кўрмаётганим, ҳатто унутаёзганим учун қандайдир хижолат чекдим — мен учун нақадар азиз гўша эди!

Бешинчи синфдан кейинги маконим, ётоғим. Ёлғиз хаёл суришларим, нималарнидир қоралашларим гувоҳи-ку — унинг ҳар бурчаги, китобларим. Дарвоқе, китобларим...

— Эна, омбордаги китобларим жойидами?

— Бўлмасам-чи, балажон. Устига рўмол жовиб қўйипти сингилларинг.

— "Рабинзон Курузо" менда, — деди Барно. — Мана бу сулув бўлса, нуқул Макаренконинг жетимлар ҳақида ёзган китобини ўқийдида, жилайди кейин...

Мен Раънога жилмайиб қараб қўйдим-у, калламга келган гапни дарҳол айтиб юбордим:

— Милтиқ... Эна, милтиқ турибтими? Отам бировга бериб юбормадими?

— Ве-е, кимга берар экан? Ҳа, энди у меҳмон ўзимизнинг эшон эди. Банножон, чоп. Пастга туш. Акангди милтиғини обке. Кейин болишининг остига қўйиб қўясан. Йўлдош-да, йўлдош у... "Отдир жигиттинг жўлдоши, ўғилдир — давлатнинг боши...".

— Бўлди-бўлди. Ҳозиргина "қиз меҳрибон", деб туриб эдингиз.

— Э, бор дедим-ку, сенга! Гап қайтаради бу! Отасиям муни эркалатиб жуборди-да!

Туйқус ҳушёр тортиб кетдим.

— Эна, ўзи... ҳаммамизниям эркалатиб ўстиргансизлар. Айниқса, мени...

— Э, ундай дема-е, балажон.

— Хўп денг. Ҳали ётганимда... хон бўлиб ётдим-ку, эна! Тошкентда қаёқда дейсиз... — Оғзимдан шу чала гап чиқиши биланоқ квартирама-квартира кўчиб юришларим, ҳамхоналаримнинг қовоғига қарашларим... Уй бекаларига хушомадлар, ёлғиз ўзим яшашга бўлган орзуйим... баъзан оч қолишларим ва буни пинҳон тутишларим ёдимга туша бошлар экан, бу уй — уйимиз, ушбу болохона ҳам — жаннат-фароғат маскани бўлиб кўринди.

Тағин, атрофимдаги меҳрибонларим: ҳа, булар — сингилларим, бу онам...

"Эй, парвардигор, — деб ўйладим-ов. — Бошқалардан ҳам шундай меҳр кўрармиканман? Ёки арзимайманми?.. Йўқ: "бошқалар" — бошқалар, ахир.

Уларнинг ўз меҳрибонлари — арзандалари бор... Лекин, лекин, — бирдан ҳаяжонланиб кетдим, — Матёқуб ака — устоз... Устознинг шогирдга муносабати, — ажабо! — қондошлик муносабатларига менгзаб кетар экан-да. Жуда қизиқ...

Ҳа-а, "Устоз отангдай улуғ" деб бежизга айтишмас экан. Бу — ахир, мақол-а!

О, мен бунинг исботини кўриб келаётибман-ку!

Тўғри, устозларнинг шогирдларга меҳрибонлиги... ота-онанинг меҳрибонлигидан фарқ қиларкан: жигарларинг меҳрида эгоизм кучли — сен ёмон бўлсанг ҳам, улар учун — яхшисан, вассалом.

Устоз эса холисроқ туриб қараркан шогирдига... Қолаверса, ҳар кимниям шогирд қилиб олавермас экан.

Ҳа-ҳа, улар — маънавий томондан ота ҳисобланишса керак. Тўғрисини айтганда, бу "ота"нинг "тутинган ўғил"дек шогирдига муносабати анчагина, йўқ — жуда баланд даражада бўлади экан... Пироварди, устозлар шогирдларни — шунчаки ўғил-йигит-одам бўлишларинигина эмас, уларнинг тутимлари-тутган йўлларига нечоғли садоқатли бўлишлари, кўзлаган манзилларига нечоғли интилишлари, оқибат, энг улуғ инсоний ғоялар-ақидаларга собит қолишларини жон-жаҳдлари ила истаганлари ҳолда, уларни рағбатлантиришар экан.

Ҳа, бу Меҳрнинг илдизи чуқур, кўлами катта, қамрови кенг бўлар экан, демак.

Ҳатто, Устоз ўз орзулари рўёбини ҳам Шогирдда кўргиси келар экан. Шогирд шунга интилган сари Устоз ҳам беихтиёр очилиб, орзулари рўёбга чиқаётгандек бўлар экан...

О, инсоний муносабатларнинг энг юксак чўққиларидан бири эмасми бу — Устоз-Шогирдлик муносабати!

Одамзод — жуда ақлли-я. Бу ҳол ҳам — унинг маънавий тараққиётидаги улуғ кашфиётларидан бирида!

Қойилман сенга, одамзод!"

САФАР ХОТИРАЛАРИДАН

Уйимизда — болохонада, сингилларим ва онам қошида ўтириб, туйқус хаёлга толганимда, тепада баён қилганим мулоҳазаларни ўша ҳолида хаёлдан кечирдим, дея олмайман, албатта. Аммо ҳис-туйғуга йўғрилган бу мулоҳаза-ўйларни қалбан қаттиқ туйганим ва айрим нуқталаригина сўз либосига бурканиб чиққанига зиғирча шубҳам йўқ: бу ерда — энди мана, уларни шарҳлаброқ баён этдим.

... Зинапояни тарс-турс этказиб босиб ва, афтидан, изидан қолмай келаётган итига: "Бор дедим-ку отамди олдига! Ана, тувчани сўяпти, энағар. Сен бўлсанг кушхонада изғиб юрибсан... Тур, йўқол!" деб шовқин солганича айвонга чиқди укам Хайрулла ва ҳовуз томонга қараб: "Ота, ҳозир бораман! Акам билан бир сўрашай!" дея даҳлизга кирди. Ундан бу ёққа ўтгунигача мен ҳам ўрнимдан турдим.

Кўришдик қучоқлашиб. Бўйи ўсиб қолибди. Кейин қўлларини қисарканман, қийшиқ бармоқларига боқиб, жилмайдим. Укам ҳам кулиб, девордаги момом суратига ишора қилди.

— Ана шу момо синдирган-да бармоғимни. Майли, эсдалик бўп қолди, дейман-да... Ҳа, ўртоқ Холмирзаев, хуш кўрдик? Она ватангаям келар экансиз-да!

— Ўтиринглар, — деди онам чўкаркан. — Секинроқ гапир, Хайри. Бу ерда ҳамманинг қулоғи очиқ.

— Хўп, акажон, — деб у бирдан жиддий тортди. Отамга ўхшаб энгашиб ўтириб, бошини-да хамлатди. — Омон бўлинг... Ҳмм, устозингизди исми нимайди? Нима эди, эна?

— Қўшжонов, — дедим.

— Ҳа. Холиқов домла билар эканлар.

Мен сергак тортиб кетдим.

— Хуррам акани айтаяпсанми?

— Бўлмасам кимни! — деб бирдан дўқ қилди укам. — Янги устоз топиб, эскисини унутдиларми, ўртоқ ёзувчи?

— Йўғ-е...

— Алжимай гапир, — деб қўйди онам.

Мен чиндан ҳам ҳайратда эдим: нимага шунча ўтирдик, гурунг қилдик. Нормамат Аъзамовлар ҳам қолмади...

Аммо Хуррам ака Холиқовнинг номлари ҳатто тилга олинмади ҳисоб. "Хатарли сўқмоғ"им газетада чиққан ва шу тариқа "ёш ёзувчи" бўлиб танилган, аммо э-энг муҳими бул эди: ўша ҳикоя, эҳтимолки, чоп этилмаганида, мен мактабдан мосуво бўлармидим...

— Хўш, у кишини кўрдингми? — деб сўрадим укамдан. — Бирданига гап очдинг...

— Ўша Қўшжонов деган танқидчини у кишиям мақтади-да! — Хайрулла пиёлани шарт кўтариб бўшатди. Ва газак қилмай давом этди: — Исмат бурун жўрангиз Холиқовдан машина сўраган эди... Тоққа чиқишингизга-да. Хуррам ака: "Шукурга айт, редакциянинг мошинаси хизмат қилади", деди. Ўзлари Термизга кетаётган экан. "Қайтиб келганимдан кейин учрашамиз", деди. — Кейин бирдан онамга зарда қилди: — Эй, қачон телефон туширасиз-а уйга, ўртоқ райсобесс раиси? Ахир, битта инвалидингиз пўчтанинг хўжайини! Кейин онамнинг оғзини ёпгудек ҳаракат қилиб, менга боқди. — Белинский ким бўлган?

— Нимайди?

— Ҳе, энди сўрадим-да. Холиқов домла ўша одамнинг ҳам номини тилга олдилар...

Мен бўшашиб ва ўтирган еримдан чекиниб-йироқлашиб, нақ мактабимдаги синфхонада — дераза остидаги партада ҳис этдим ўзимни. Хуррам ака бўлса, доска ёнида хушбичим, қоп-қора костюм-шим ва галстукда. Ҳаргиз тиккайиб турадиган сочлари-да ўзига ярашган. Одамнинг ҳавасини келтирадиган зиёли.

Режадаги сабоқни ўтиб бўлганлар-у, дераза томонга бораяптилар. Бирдан эснаб, кафтлари-ла оғизларини бекитган бўлдилар-да, фаромуш бир ҳолда дедилар: "Кеча кам ухладим. Соат ўн иккилардан кейин Белинскийни олиб варақладим. Шу бўйи соат тўртгача ўқибман... У одамларни ўқиш керак. Шукур, истасанг, китобини бераман. Сенга жуда керак у."

Мен...

Ҳа, тил-адабиёт муаллимимиз Хуррам ака Холиқов жуда ўқимишли домла эди.

— Ака! Ўша-ўша хаёлпарастсиз-а ҳалиям... Сизга савол бердик, — деб замлади укам. Ва камина ҳушёр тортиб, фикримни жамлаб дедим:

— Қўшжонов домлани "Ўзбекнинг Белинскийси" дедиларми?

— Ана, — деб шодланиб кетди Хайрулла. — Билар экансиз-ку! Ҳа, шундай дедилар!

— Демак, домланинг мақолаларинияям ўқиб борар экан.

— У ёғини билмадим. Лекин у кишининг асли касби — адабиётчи-ку?

— Шундай-шундай. Яхши...

Ана шу "адабиётчи-ку" дейилиши мени бир тўлқинлатиб олди ва Хуррам акани янада, баайни илгаригидек кўнглимга яқин-азиз ҳис этдим.

Нимагадир, нимагадир у киши райком секретари бўлганларидан кейин ғашланиб, домламни кимлардандир қизғаниб юрадиган бўлдим. Қолаверса, ўша — зиёли, зиёлича башанг кийинган ўқитувчимни энди... кўнжи тиззага етгудек этикда ва кирчимол костюмшимда унда-бунда кимларгадир нималарнидир уқтириб ўтиб кетишлари менга қандайдир бригадирними-е, ишбошиними-е эслатар ва ич-ичимдан ғижиниб кетар эдим.

Шулар ҳам сабабмикан — бу севимли домламдан ўзимни четга тортар эдим.

Бунинг яна бир ўта муҳим сабаби ҳам бор эдики, уни эслагим келмасди.

ЭСЛАМАСДАН БЎЛМАДИ

Гап шундаки, тўққизинчи синфга ўтган йилимиз — кузда пахта теримида Жабборча деган (исмини ўзгартирдим) математика ўқитувчимиз Намоз деган синфдошимизни уриб, майиб қилган эди.

Мен дала шийпонида деворий газета чиқариш билан банд эдим. Илло газетанинг муҳаррири ҳам, мухбири ҳам ўзим эдим.

Хуллас, деворий газета устида ишлаб ўтирсам, бир-иккита синфдош қизларимиз йиғлаб, ҳовликиб келиб қолишди: "Шукур, Намозни ўлдирди Жабборча!" — "Нима?"

— "Майиб қилди, чуйка бўлиб ётибди...".

Шийпондан чиқиб, уларни эргаштириб, пайкалга қараб югурдим. Борсам, ҳақиқатан ҳам Намоз илон чаққандек тўлғаниб-ғужанак бўлиб ётибди экан. Унинг атрофини ўраб олган синфдошларим бир оғиздан тушунтиришди. Намоз, одатдагича, эгатларни оралаб, пахтаси яхши очилган жойлардан тераётган экан. У бечора ярим етим, ёлғиз бобосига қарам эдики, пахта теримидан уч-тўрт сўм ишлаб кетарди. У ортиқча "ишлаб олсин" учун йигит-қизларимиз унинг тартиббузарлигига йўл қўйиб беришарди. Жабборча муаллимимиз эса Намознинг бу тартибсизлигига чидай олмай, бир-икки маротаба огоҳлантирибди-да, кейин уни қувлаб-тутиб урибди, ичига тепибди.

Ўша ерда ўқитувчимизга нима дедим-нима қўйдим, ҳозир эсимда йўқ: шуни биламанки, камина ўзимни анча эркин... тутар ва баъзан мундайроқ ўқитувчиларимизгаям тик гапириб юбораверардим.

Менинг комсомолга ўтишимга тавсиянома берган бошқа тил-адабиёт ўқитувчимиз, ўша вақтда мактабимизнинг директори бўлмиш Зикир Умаров мени ҳамиша қўллаб-қувватлар ва тарафимни олар, қолаверса: "Барибир сан ижодкор бўлишинг керак", деб қўярди.

Алқисса, бригадамизга бириктирилган аравани анҳор бўйидан топиб, аравакашни уйғотиб келиб, Намоз шўрликни аравага ортиб ва бир-икки синфдошларим ҳам қўшилиб, Шўрчидаги касалхонага обордик. Уни текширган дўхтирлар иккиланмасдан: "Бунинг иши пишган. Термизга юборамиз", дейишди.

Биз орқага қайтдик.

Ниҳоят, қор учқунлай бошлаган кунларнинг бирида пахта теримидан ҳам қайтдик.

Энди, одатдагича, мактаб конференцияси бўлиши керак, мен маъруза қилишим лозим эдики, шунга ҳозирлик кўра бошлаган кунларимнинг бирида синфдан чақириб кетишди: мени янги бўлган директорнинг хонасида кутаётган эканлар.

Дангалига шундай дедилар: "Сен ҳам — бир педагогсан, Шукуржон. Шунинг учун педагогнинг обрўсини туширмаслик — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Хабаринг бор, ўртоқ "фалончиев" шунақа... Ҳалиги арзимайдиган хотинчалиш бола бор-ку? Намозни... нима десам экан... Тушундингми? Кўргансан. Синфдошларинг ҳам... Гап шундаки, докладингда шу ўткинчи фактни, умуман тилга олмагин. Тушундингми? Умуман... Ҳмм, биламан, синфдошларинг анча бебош. Зикир Умаров эркалатиб юборган сизларни... Хуллас, ўша факт масаласида туя кўрдингми — йўқ. Бошқа масалаларда, марҳамат!".

(Давоми бор.)

НЬЮ-ЙОРКДА ҒАРОЙИБ СОАТ ИШЛАЙ БОШЛАДИ

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида яқин кунларда республикачилар партиясининг йиғилиши ўтказилади. Ана шу анжумандан бир неча кун олдин шаҳарнинг Тайм-сквер майдонида ғаройиб соат ишлай бошлади. Унинг бошқалардан фарқи шундаки, соат

Ироқда бошланган уруш куни бўл-ган вақтни ва бу урушга солиқ тўловчиларнинг қанча пуллари кетганини кўрсатиб туради. Соат ўз ишини 134,5 млрд. доллардан бошлайди, ҳар соатда ушбу рақамга 7,4 млн. доллар қўшилиб туради. Бир кеча-кундузда эса кўрсаткич 177 млн. долларга кўпайиб боради. Ҳисоблагич АҚШ либерал маркази томонидан ўрнатилди. Марказни собиқ президент Клинтон даврида Оқ уй маъмуриятига раҳбарлик қилган Жон Подестой бошқариб бормоқда. ИТАР-ТАСС ахборот агентлигиниг хабар беришича, бу ҳам сайловолди рақобатининг бир туридир.

РУМИНИЯДА АВИАҲАЛОКАТ ЮЗ БЕРДИ

Руминия ҳаво ҳудудида икки ҳарбий МиГ—21 русумли самолётлар тўқнашиб кетган. Ушбу хабарни мамлакат мудофаа вазирлиги тарқатди.

Ҳалокат Руминия давлатининг марказий қисмида юзага келган. Самолётлар ҳавода ўқув машғулотларини ўтказаётган эди. Учувчилар носозликнинг олдини ололмагач, самолётни тарк этишга мажбур бўлишган. Уларга қаттиқ шикаст етмаган. Ҳозирда вазият ўрганилмоқда.

ИККИ САМОЛЁТ ҲАЛОКАТИ

Икки самолёт ҳалокати оқибатида 89 нафар киши ҳалок бўлгани муносабати билан кеча Россияда мотам куни деб эълон қилинди. Сешанба куни кечқурун Москвадаги аэропортдан ҳавога кўтарилган самолётлар деярли бир вақтда Россиянинг жанубий қисмида ерга қулаб тушган эди. Россия бош прокурори Владимир Устиновнинг айтишича, ҳалокат террористик ҳаракат ёки техник хато натижасида рўй берганлигини инкор этиб бўлмайди.

Ҳодисани текшириш бўйича ташкил этилган ҳукумат комиссияси бошлиғи, Россия транспорт вазири Игорь Левитин, терговчилар барча сабабларни ўрганиб чиқмоқдалар, деди. Аммо охирги маълумотларга қараганда, воқеа жойида ишлаётган федерал хавфсизлик хизмати ходимлари гексоген портловчи моддасини топишган. Бундан ташқари, самолётга ўтирган икки нафар чечен аёлини ҳеч ким суриштириб келмаган. Ал-Қоида террорчилик гуруҳининг интернет сайтида эса портлашлар гуруҳ аъзолари томонидан уюштирилгани ҳақида тўлиқ ёзилган.

Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўғли ва Моҳира ШОДМОНОВА тайёрлади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда фалсафа факультети жамоаси «Фалсафа» кафедраси мудири, профессор Саидмурод Мамашокировга укаси

Султонмурод МАМАШОКИРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси, профессор-ўқитувчилар жамоаси «Таҳририят» бўлими мудираси Муҳаррам Нуртаевага ўғли

Баҳодир НУРТАЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Давлат тест маркази жамоаси, марказ таркибидаги Аттестация бошқармасининг бош эксперти

Минасхад ТЕРКУЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор этади.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

ЖАНУБИЙ ОКЕАННИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Иқлими. Иқлимининг шаклланишида музли Антарктида материги, циркумқутбий Ғарбий шамоллар оқими, оқимда доимий учраб турадиган музлар, илиқ оқимнинг йўқлиги етакчи ўринни эгаллайди. Антарктидадан ўрта ҳисобда 15 м/с. тезликда доимо шамоллар эсиб туради. Кориолис кучи таъсирида бу шамоллар жануби-шарқий йўналишга эга бўлади.

Қиш ойларида океан юза сувининг ҳарорати энг жанубда — 1,8 —1,9°С, ёз ойларида шимолда 10-18°Сга кўтарилади. Океан сувининг тубида ҳарорат — 1,5 ва 1,0°С атрофида бўлади. Йилнинг хоҳлаган пайтида қор ёғиши мумкин.

Океан сувининг шўрлиги жанубдан, шимолга ва тепадан пастга томон ортиб боради.

Океан сувининг асосий хусусиятларидан бири музлашидир. Музлар энг ривожланган пайтда (сентябрь-октябрь) 18-19 млн.км² майдонни эгаллайди. Энг кам пайтда (январь-февраль) эса 2-3 млн.км.²ни ташкил этади. Ғарбий шамоллар таъсирида қатор музлар йўлаги ҳосил бўлади ва Шарқ томонга ҳаракатланади. Муз-айсберглар асосан қирғоқдан 100-150 км. оралиғида кўп учрайди. 700 км. узоқликда айсбергларнинг ўртача узунлиги 500 м., баландлиги 50 м. Баъзилари 5 км. узунликка эга. Айсбергларнинг асосий қисми 3-5 йилда эриб кетади.

Океан организмлари. Ҳайвонот олами ва ўсимликларнинг тарқалишига музли Антарктида материги ва Антарктика циркумқутбий оқим кучли таъсир этади. Натижада организмлар деярли 5 млн. йил давомида нисбатан ўзгармас музли-совуқ табиий шароитда яшашга мослашган. Айрим организмлар (масалан, балиқлар) антифриз ишлаб чиқариши оқибатида — 20/ С ҳароратда эркин яшаш кўникмасини ҳосил қилган.

Сув ўтлари нисбатан кам ривожланган. Уларнинг асосий қисми сувнинг 25 метрли юқори қатламида ўсади. Лекин қўнғир сув ўтлари сувнинг 60 м. қатламида (узунлиги 90 метргача), пастда эса қизил сув ўтлари ўсади. Музлар океан сувларига нисбатан қуёш нурини яхши ўтказади. Шунинг учун сув ўтлари октябрь-ноябрь ойларида энг кўп ривожланади. Баъзи сув ўтлари муз тагига ёпишиб ўсади. Сув ўтларининг диатом (кремнийли) тури жуда кўп. Уларнинг бир литр сувда ўрта ҳисобда 5-40 млн. донасини учратиш мумкин.

Криллар (голландча митти, қисқичбақасимон организмлар) сув ўтлари билан озиқланади. Ўз навбатида кит, балиқ, тюлен, бошоёқли моллюскалар, пингвинлар, қушлар крилларни истеъмол қилади. Тадқиқотчилар умумий массаси 2250 млн. тоннагача етадиган крилларни ҳар йили 50-70 млн.тонна тутиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Жанубий океанда китларнинг тури нисбатан кўп яшайди. Китнинг кўк — Блювал тури (узунлиги 30 м., оғирлиги 160 т. гача), финвал тури (узунлиги 20 м, оғирлиги 80-90 т.), букри кит (узунлиги 15 м., оғирлиги 50-60 т.), синвал тури (узунлиги 10 м., оғирлиги 30 т.), кашалот-тишли кит (узунлиги 20 м., оғирлиги 70 т.), касатка (йиртқич кит) учрайди. Кит овлаш 1951-1952 йилларда энг юқори чўққига кўтарилди. Эндиликда кит овлаш қонун билан ман этилган.

Тюленлар материк соҳилларида, ороллларда яшайди. Бу ерда жаҳон тюленларининг 60-65 фоизи тўпланган. Улар асосан гўшти, ёғи, териси учун овланади. Айниқса, Росс тюлени, Уэделл тюлени, денгиз қоплони, денгиз мушуги, жанубий денгиз фили кўп тарқалган.

Қушларнинг 44 тури бўлиб, умумий сони 200 млн.га етади. Шулардан пингвинларнинг 7 тури барча қушлар миқдорининг 90 фоизини ташкил этади. Пингвин — сувда сузувчи қушлар туркуми. Уларнинг император ва адели тури энг кўп учрайди. Энг баланди ҳам император пингвини бўлиб, бўйи 1,3 м., оғирлиги 60 кг.га етади. Пингвинларнинг олтинсочли, папуас, патагон, гинстрон турлари ҳам бор.

Табиат минтақалари. Жанубий океанда улар мўътадил ва субантарктик табиат минтақалари шаклланган. Ҳар қайси минтақанинг ўзига мослашган организмлари (сув ўтлари, ҳайвонлари) мавжуд. Нисбатан илиқ, шўрроқ мўътадил минтақаси организмларга бой. Субарктика табиат минтақасида организмларнинг совуқ музли сувлари муҳитига мослашган турлари турғун ҳаёт кечиради. Кўпинча сутэмизувчилар йил фаслларига қараб, шимолга ва жанубга томон кўчиб юради.

Табиий бойликлари. Асосий бойликларига организмлар ва йирик айсбергларни киритиш мумкин. Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб ҳайвонот оламини овлаш мақсадида махсус кема-консерва заводлари сузиб юрган. Улар кўпроқ кит, тюлен овлаш билан машғул бўлган. Йирик айсбергларни шатакка олиб, чўл зоналарини чучук сув билан таъминлаш режалари тузилган. АҚШ тадқиқотчилари 1950 йилда узунлиги 40 км., эни 350 м. бўлган айсбергни кузатишган. Кейинги пайтларда Жанубий океан ва материк соҳилларидаги айсберглар ва турли ҳайвонлардан туристик объект тариқасида кенг фойдаланилмоқда. Айниқса, гўзал император пингвинининг табиати, қизиқарли ва ҳайратомуз хатти-ҳаракатлари ("Антарктида масхарабози" лақабига эга) туристлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Жанубий океан организмларини муҳофаза қилиш борасида халқаро миқёсда кўплаб қарор ва қонунлар қабул қилинган. Жаҳон жамоатчилиги Жанубий океан организмларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масаласига жиддий эътибор беришмоқда.

Табиий ўлкалари. Жанубий океан учта океаннинг жанубий қисмларини эгаллагани учун унинг ҳудудини учта табиий ўлкаларга ажратиш мантиқан тўғри бўлади. Улар Тинч океани сектори, Ҳинд океани сектори ва Атлантика океани сектори деб номланади. Бу секторлар табиати жанубдан шимолга томон, чуқурлик томон ўзгаради. Демак, секторлар бир-биридан иқлими, сув туби рельефи, ҳайвонот олами, оқимлари, шельф музликлари, айсберглари билан фарқланади.

Бинобарин, айни пайтда Жанубий океан ўзининг ноёб табиати билан Дунё океанидан алоҳида ажралиб туради. Тадқиқотчилар, олимлар халқаро миқёсда океаннинг барча хусусиятларини чуқур ўрганмоқдалар.

А.СОАТОВ,
ЎзМУ доценти,
З. РАЙИМЖОНОВ,
ТДПУ доценти,
М.ТИЛЛАБОЕВА,
РТМ бош методисти

Dunyo okeanlari

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика Ўқув-методика маркази 2004 йилнинг сентябрь ойида қуйидаги тоифалар бўйича тингловчилар қабул қилади:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари — 02.09.2004 — 29.09.2004.
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари — 02.09.2004 — 29.09.2004.
3. Мактабгача таълим муассасаси қисқа муддатли мусиқа раҳбарлари — 06.09.2004 — 18.09.2004.
4. Мактабгача таълим муассасаси логопедлар гуруҳи — 06.09.2004 — 18.09.2004.

Тингловчиларнинг хизмат сафари харажатлари мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш республика Ўқув-методика маркази ҳисобидан тўланади.

Асос: республика Ўқув-методика марказининг 2004 йил иш режаси.



Табриклаймиз, қутлаймиз!

Шу кунларда Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 4-ихтисослашган мактаб-интернатнинг ташкил топганлигига роппа-роса ўн йил тўлади. Ана шу муносабат билан мазкур илм даргоҳини 1999 йилда тамомлаган инглиз тили ва тарих йўналишидаги собиқ 11-«В» синф ўқувчилари мактаб жамоасини, ўзларига таълим-тарбия берган барча муаллимларни ушбу қутлуғ сана билан самимий муборакбод этади. Устозларига узоқ умр, машаққатли ишларида ривож ва оилавий тинчлик-хотиржамлик тилайди.

«Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларида спорт жиҳоз ва анжомларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш ҳақида Халқ таълими вазирининг буйруғи чиқди.

Буйруқда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига мактаб раҳбарларининг мазкур Низомга қатъий риоя қилишларини таъминлаш, мактабларнинг спорт заллари ва майдончаларини вазирлик томонидан тасдиқланган «Умумтаълим мактабларини ўқув мебели ва ўқув лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш меъёрлари» асосида зарур спорт жиҳоз ва анжомлари билан таъминлаш чораларини кўриш, Низом талабларига риоя қилиш борасида таълим муассасалари раҳбарларининг масъулиятини ошириш учун тегишли кўрсатмалар бериш вазифалари юклатилган.

Қуйида мазкур Низом билан танишишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларида спорт жиҳоз ва анжомларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2004 йил 9 январдаги жамғарма йиғилишининг баёни, 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги ПФ 3431-сонли Фармони ҳамда ушбу Фармонни амалга ошириш чора-тадбирларига доир Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда таълим муассасалари раҳбарлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббийларнинг мазкур фанни ўқитиш учун ажратилган спорт жиҳоз ва анжомлардан самарали фойдаланишлари ҳамда уларни сақлашларини таъминлайди.

1.2. Ушбу Низом умумий ўрта таълим муассасаларида спорт жиҳоз ва анжомларидан самарали фойдаланиш ва уларни сақлаш тизими тартибини шакллантириш билан биргаликда ходимлар ва моддий жавобгар шахслар масъулиятини оширади.

1.3. Ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг сифатини оширишда таълим жараёнини такомиллаштиришга, ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришда таълим жараёни субъектлари вазифаларини белгилаш учун хизмат қилади.

1.4. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари учун ажратилган жиҳоз ва анжомлардан фойдаланиш, уларни сақлаш ҳолати, таълим муассасасининг педагогик кенгаши иш режасига кўра, ўқув йили давомида муҳокама қилиниб борилади.

1.5. Спорт жиҳоз ва анжомларини тартибли сақлаш ҳамда улардан самарали фойдаланишда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган эҳтиёжларини шакллантиришда ўзининг ҳиссасини қўшган ўқитувчи ва мураббийлар рағбатлантирилади.

1.6. Спорт жиҳоз ва анжомларини сақлаш ҳамда фойдаланиш билан шуғулланувчи жавобгар шахсларни ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказиш вақтида мавжуд барча қийматликлар қайта санокдан ўтказилиши ва бу ҳақида далолатнома тузилиши шарт.

II. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида спорт жиҳоз ва анжомларидан фойдаланиш ҳамда уларни сақлашни ташкил этиш тартиби

2.1. Таълим муассасалари спорт жиҳоз ва анжомларини қабул қилишда юк қабул қилиб олишнинг амалдаги тартиб-қоидаларига риоя қилишлари зарур.

2.2. Таълим муассасаси раҳбарлари спорт залини, спорт жиҳоз ва анжомларининг сақланиши ҳамда улардан унумли фойдаланиш учун жавобгар шахснинг тайинланиши ҳақида буйруқ чиқариши лозим.

2.3. Жисмоний тарбия ўқитувчи ва мураббийлари спорт машғулотлари учун тегишли бўлган жиҳоз ва анжомларнинг белгиланган тартибда сақланишига масъулдирлар. Совуққонлиги, масъулиятсизлиги ёки нотўғри фойдаланганлиги туфайли етказилган моддий зиён ўқувчи, ўқитувчи ва мураббийлар томонидан қопланади ёки жиҳоз таъмирланади.

2.4. Зиён етказилган спорт анжомлари ва жиҳозлари учун қопланадиган моддий зарарни тўлашга ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам бевосита жавобгардирлар.

2.5. Етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплашда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда шикаст етказилган жиҳоз ёки анжомларнинг қиймати бадалида тўлов амалга оширилиб, расмийлаштирилади.

2.6. Жисмоний тарбия дарслари ва секция машғулотлари жараёнида шуғулланаётган ўқувчилар фойдаланилаётган спорт жиҳоз ва анжомларини сақлаш ҳамда улардан тўғри фойдаланишлари учун жавобгардирлар.

2.7. Умумтаълим мактабларида спорт жиҳоз ва анжомларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланишда ўқиш жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчилари, секция машғулотлари жараёнида мураббийлар жавобгардирлар.

2.8. Умумтаълим мактаблари спорт иншоотлари, жиҳоз ва анжомларини сақлаш ҳамда улардан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйган раҳбарлар қатъий интизомий чорага тортиладилар.

2.9. Гимнастика машғулотларида спорт анжомлари (тирмашиб чиқиш учун арқон, гимнастик қўш поя; гимнастик хода, от, эшак, гимнастик ҳалқа)дан ўқитувчининг, мураббийнинг назоратисиз фойдаланиш қатъиян ман этилади.

2.10. Ўқитувчи ва мураббийлар спорт ўйинлари (футбол, волейбол, қўл тўпи, гандбол, баскетбол)га мослаштирилган залларда, майдонларда ўйин учун зарур бўлган анжомлардан ташқари бошқа спорт жиҳозларининг бўлмаслигини ташкил қилишлари керак.

2.11. Спорт ўйинлари учун зарур бўлган жиҳоз ва анжомлар мустаҳкам ўрнатилиши шарт.

2.12. Ўқитувчи ва мураббийлар спорт машғулотларини бажариш жараёнида ўқувчиларнинг хавфсизликларини таъминлашлари зарур.

2.13. Таълим муассасаларида спорт жиҳоз ва анжомларининг тартиб рақами кўрсатилган дафтар бўлиши ва ўқитувчилар, мураббийлар қайси спорт анжоми, жиҳозидан фойдаланса, махсус дафтарда қайд этишлари лозим. Мазкур дафтарда ўқитувчи ёки мураббийнинг исми-шарифи, спорт анжомининг тартиб рақами, фойдаланиш ҳамда топшириш учун олган вақтдаги аҳволи кўрсатилиши зарур.

2.14. Жиҳозланган спорт майдонлари ҳамда залларидан ўқитувчи ва мураббийларнинг назоратисиз фойдаланиш таъқиқланади.

2.15. Бюджетдан ташқари маблағ топиш мақсадида ўқув жарёнини тўлиқ таъминлаган ҳолда мавжуд жиҳозлардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш мумкин.

2.16. Ўқув йили бошида мактабда мавжуд бўлган жиҳоз ва анжомларни қайднома (инвентаризация)дан ўтказиш ва яроқлилиги ҳақида баённома тузилиши лозим. Жиҳоз ва анжомларни фойдаланиш учун тайёр ҳолга келтириш ишлари ўқув йилининг бошланишига қадар тугатилиши шарт.

III. Техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш

3.1. Спорт заллари ва майдонлари белгиланган, кўрсатилган ҳамда тасдиқланган меъёр талаблари асосида жиҳозланиши шарт.

3.2. Спорт залларининг ойналари, электр ёритгичлари махсус қопламалар билан қопланиши шарт.

3.3. Носоз спорт анжомларидан (айниқса, гимнастика машғулотлари учун) фойдаланиш қатъий ман этилади.

3.4. Ўқитувчилар ва мураббийлар ўқув йилининг бошида спорт жиҳоз ва анжомларидан фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш тўғрисидаги мазкур Низом билан иш берувчи томонидан мажбуран таништирилишлари шарт. Ушбу таништирилганлиги ҳақидаги маълумот махсус дафтарда қайд этилиши лозим.

Faxriylarimiz

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

Файзихон Набиева Наманган туманидаги 20-ўрта мактабда ишлайди. Ишлаганда ҳам ёниб ишлайди, десак муболағага йўйманг. Боиси унинг номи нафақат Наманганда, балки бутун республикада тарихчи-ўқитувчи сифатида тилга тушган. Дарсларни ўзига хос янги услубларда, ноанъанавий тарзда ўтади. Дарсдан кейин ҳам ўқувчилар билан шуғулланиш, саёҳат дарслари уюштиришдан эринмайди. Ўқувчиларини бир неча маротаба пойтахтга, Амир Темур хиёбони ва Темурийлар тарихи давлат музейига олиб борган. Ана шундай куюнчаклик ва тинимсиз изланишлар самараси бўлса керак, ўқувчилари ҳар йили "Сиз тарихни биласизми?" кўрик-танловининг вилоят босқичида мутлақ ғолиб чиқиб, республикада муваффақиятли иштирок этиб келади. Бу йил ҳам танловнинг Бухорода бўлиб ўтган финал босқичида унинг шогирдлари 2-ўринни қўлга киритишди.

Файзихон Набиева ижодий изланишлари самараси ўлароқ ёзувчи Тўлқин Ҳайит билан ҳаммуаллифликда "Улуғ Амир ўгитлари" китобини яратди.

Китобда муаллифлар "Темур тузуклари" асарини муфассил шарҳлашга ва унинг қадр-қиммати ҳақида ўқувчилар билан мулоҳаза юритишга ҳаракат қилганлар. Буюк соҳибқирон ва темурийлар даврида қомус вазифасини ўтаган, жаҳонга машҳур асарнинг аҳамияти, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш бугунги давр учун ҳаётий зарурият. Муаллифлар "Темур тузуклари"ни шарҳлашга ана шу нуқтаи назар билан ёндашганлар. Жумладан, асарда шундай сатрлар бор: "Инсон ўзи учун зарур нарсани қадрлайди. "Темур тузуклари" ҳам инсоният қадрлайдиган асардир".

Дарҳақиқат, ушбу рисола соҳибқиронга, миллатимизнинг буюк ўтмишига яна бир эҳтиром рамзидир. Зеро, бу каби китоблардан биз асл ўтмишимизни, аждодларимиз ким бўлганини ўрганиб борамиз.

"Улуғ Амир ўгитлари" китоби "Темур тузуклари"ни ўрганмоқчи бўлган китобхонлар, айниқса, мактаб ўқувчилари, академик лицей, коллеж ва олий ўқув юрти талабалари учун қўшимча манба сифатида хизмат қилиб, уларга доимий ҳамроҳ бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Исроил ЮСУПОВ

ЭЪЗОЗ

Ўқитувчилик фидоийликни талаб қиладиган соҳа. Унга юзаки, совуққонлик билан муносабатда бўлиш жиноят билан баробар. Шу боис бу касбга меҳр қўйганлар ва ўқитувчиликни қисмат деб билганлар ҳақиқий фидоий инсонлар саналади. Эл-юрт ўртасида эъзозланади. Мўмина Асқарова ҳам худди шундай эъзозга лойиқ инсонлардан биридир. У бутун умрини ёш авлодга тарбия беришга бағишлади. Салкам 40 йил бир даргоҳда меҳнат қилди. Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 26-сонли ўрта мактабда 1956 йилда ўқитувчилик фаолиятини бошлаган Мўмина опа мактабда рус тилидан сабоқ берди. Ўқитувчилик билан бирга мактабларда ўтказилган турли тадбирларда, жамоат ишларида фаол иштирок этди. Шунинг учун уни жамоадошлари тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлигига муносиб кўрдилар. Мўмина Асқарова олти йил мобайнида мактаб ўқувчиларининг тарбияси билан шуғулланди. Мўмина Асқарова ҳамиша дарсга янгилик олиб кирарди. Бу эса, ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишни яна ҳам орттириб юборади.

1973-81 йилларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлигига тайинланди. 1981-86 йилларда эса мактабда директорлик лавозимида ишлади. Нафақага чиққандан кейин ҳам уйда зерикиб ўтиришдан кўра ўқитувчилик қилишни, болаларга таълим беришни афзал кўрди. Салкам 40 йил битта жамоада ишлади. Кўп йиллик ҳалол меҳнатлари учун "Халқ маорифи аълочиси", кўкрак нишонига муносиб топилди.

Нафақада бўлишига қарамасдан Мўмина Асқарова тез-тез жонажон мактабига бориб туради. Ёш ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, таълим-тарбия борасида керакли маслаҳатларини беради. Ўз навбатида 26-мактаб ўқитувчилар жамоаси ҳам опани эсдан чиқаришмайди. Байрамларда йўқлаб туришади. Мактабда бўладиган турли тадбирларга таклиф қилишади. Айниқса, Мўмина Асқарова ўқитган собиқ ўқувчилари севимли устозларини ўзгача эъзозлашади. Опанинг уйидан уларнинг қадами узилмайди, тез-тез хабар олишади. Ўзи ўқитган ўқувчиларини кўрганда опанинг қалбини фахр туйғуси эгаллайди.

Гулжамол ТЎЙЧИЕВА,
ўқитувчи

ДОХТУРАШВИЛИ — ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ!

АФИНА (ЎзА махсус мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ хабар қилади). Юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони Александр Дохтурашвили XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди!

У саралаш босқичида венгриялик жаҳон вице-чемпиони Тамаз Берзицани, озарбойжонлик Вугар Асланов ҳамда мезбонлар вакили Алексиос Колитсопулосни мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиққан эди. Финал йўлланмасини қўлга киритиш учун эса, Сидней олимпиадаси ва жаҳон чемпиони, россиялик Валтерез Самургашев билан куч синашган юртдошимиз яна ғалаба қозонди.

Олтин медал учун кечган ҳал қилувчи курашда А.Дохтурашвили Сидней олимпиадаси совриндори ва жаҳон чемпиони финляндиялик Марко Йли-Ханнукселага қарши гиламга чиқди. Шиддатли кечган беллашувдан сўнг маҳорат бобида тенгсиз полвонимизнинг қўли яна баланд келди! Музаффар спортчимиз шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, Ўзбекистон байроғи кўтарилди.





Шундай қилиб, терма жамоамиз илк олтин медални қўлга киритди.

Айни пайтда олимпиадачиларимиз бокс, енгил атлетика, эркин кураш ва таэквандо бўйича мусобақаларни давом эттирмоқда.

Анвар ИЛЬЁСОВ олган суратлар. («Жаҳон» АА)

ХИТОЙ «ОЛИМПИАДА—2008»ГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

Хитой маъмурияти Пекинда бўлиб ўтадиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарликни кенгайтиришга эътибор қаратмоқда. Бу борада Осиёнинг энг саноатлашган 10 та шаҳридан бири — Пекинда кўкаламзорлаштириш ва тозалаш ишлари авж палласига кирди. «Бу йил спортчиларимиз ишончимизни оқлашмоқда, — дейди шаҳар мэри Си Туа Ко. — Кейинги Олимпиадага мезбон сифатида ҳам анча ишларни битиришимиз лозим».

Хитойда саёҳат қилаётган туристларга «Пекин—2008. Олимпия ўйинлари учун 100 та сўз» деб номланган луғатчалар тарқатилаяпти. Луғатларга қўшиб берилаётган лотореялар XXIX ёзги Олимпиада мусобақаларига бепул келиш ҳуқуқини беради. Мутахассисларнинг фикрича, Хитой ҳукумати мусобақаларнинг кўнгилдагидек ўтиши учун Грецияга нисбатан 4 баравар кўп маблағ сарф қилади. Маблағнинг асосий қисми шаҳар кўрки учун, қолган қисми эса спорт иншоотлари ва хавфсизлик учун сарфланиши режалаштирилган.

ИРОҚ ФУТБОЛ ЖАМОАСИ САЙЛОВОЛДИ РОЛИКЛАРИДА

Ироқ терма жамоаси кутилмаган натижалар билан ярим финалга қадам қўйди. Португалия, Коста-Рика, Австралия терма жамоалари билан бўлган учрашувдаги ғалабалар ироқликлар учун ярим финалга йўл очиб берди. Айтиб ўтиш жоиз, бўлиб ўтган беллашув Аргентина ва Италия учрашувидан ҳам қизиқарлироқ ўтди. Аммо ютуқларни ҳар ким ўзича талқин қилаётир. Масалан, АҚШ президенти ўз сайловолди компаниясини ажойиб реклама роликлари билан безаяпти. Дастлаб экранда кенг осмон ва қум тепаликлари орасида Олимпиада нишонаси—беш ҳалқа пайдо бўлади. Кейин Ироқ ва Афғонистон давлат байроқлари экранни безайди. Кадр ортидан эса: «1972 йил дунёда 40 та демократик давлат бор эди. Ҳозир уларнинг сони 120 тага етди. Шафақдаги қуёш нурлари каби озодлик ҳам дунёни ёритишда давом этмоқда. Бу йилги Олимпиадада ҳам яна иккита озод давлат қатнашади. Улар ёвузлик ва террор чангалидан озод бўлишди», деган сўзлар янграйди.

Олимпиаданинг илк кунларида ҳам Буш шунга ўхшаш тезис билан чиққанди. «Биринчи марта дунё одамлари Олимпиадада қатнашаётган афғон спортчиларини кўрдилар. Улар биринчи марта ироқликларнинг ажойиб натижаларидан ҳайратга туша бошладилар».

Ўтган ҳафта Орегон штатида бўлиб ўтган сайловолди ташвиқотида Буш ироқлик футболчилар натижаларидан муҳим деталь сифатида фойдаланди: «Олимпия стадионида ироқлик футболчиларнинг ғалабалари, бу фантастика эмасми?! АҚШ ҳаракатларисиз улар зулмдан қутулиб, бу даражага эриша олмас эдилар». Президентнинг ўз ташвиқотида футболчиларнинг ютуғидан фойдаланаётгани терма жамоа аъзоларининг барчасига ҳам ёқаётгани йўқ. Ярим ҳимоячи Солиҳ Садир Sports Illustrated нашрига берган интервьюсида буни қоралаб: «... жамоа сайловолди кўргазмаси бўлишни истамайди. Буш яхшиси бошқа реклама қидиргани маъқул» деди.

ОЛИМПИЯ ОЛТИН МЕДАЛИНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Олимпия олтин медали учун кетадиган тилланинг нархи 100 доллардан камроқни ташкил қилади. Бироқ у ҳар бир спортчининг ягона орзусидир. Зеро, уни қўлга киритиш 6 та рақамли жек-потнинг соҳиби бўлиш билан тенгдир. Бу, айниқса, мамлакатлар манфаати бир жойга тўқнаш келганда авжига чиқади.

Олимпия олтин медалини қўлга киритган румин спортчилари давлат томонидан бериладиган 50 минг доллар мукофот пулига ҳам эга бўлади. Бу америкалик чемпионларникига қараганда икки баравар кўп деганидир. Ироқнинг янги ҳукумати ҳар бир ғолиб учун 25 минг доллар ваъда қилди. Кениялик чемпион сўнгги моделдаги телевизор, кир ювиш машинаси ва чўнтак харажатлари учун пул олади.

Олимпия ташкилотчилари нафақат ғолиб, балки мағлубларнинг ҳам кўнглини олишга ҳаракат қилишади. Бу азалий анъана. Эрамизгача бўлган 500-йилда Олимпиада ғолиблари 500 драхм пул соҳиби бўлган. Мағлублар эса бепул овқатлантирилган, театрлардаги биринчи қатор ҳам улар учун ажратилган. Бироқ замонавий спортчилар бу билан чекланиб қолмайдилар. Улар гўё фақат медаль учун яралганлар.

Румин гимнастикачилари умумжамоа ҳисобида олтин медалга эга бўлмоқчи эдилар. Бу улар учун 2 та машина, бепул олий таълим ва 50 минг доллар демакдир. Ойлик даромади 170 доллар бўлган румин учун бу ҳақиқий бойлик. Бу ҳақда фақат орзу қилиш мумкин, холос.

Бироқ аёллар умумжамоаси мураббийси Октавиан Белу ташвишда. Унинг шогирдлари биринчи турданоқ уйларига қайтишяпти. Умумий чемпионлар сони эса ҳали 10 тага ҳам етгани йўқ. Кўпқиррали рус чемпиони, 25 ёшли Светлана Хоркина кабилар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. «Улар барча ютуқларни олиб кетишяпти, — дейди у, — бу мен учун ҳақиқий фожеа».

Мусобақалар охирлагани сари Шарқий Европа давлатларида медаллар учун бериладиган мукофотлар ҳам кўтарилиб бораяпти. Украиналик чемпион 2000 йил Сиднейдаги мусобақаларга нисбатан кўпроқ имкониятга эга бўлади. Ҳар бир олтин медалли ғолиб 100 минг доллар ва Киевда турар жой соҳибига айланади. Украина бош вазири Виктор Янукович мамлакат Олимпия қўмитаси олдига олтин медаллар сони бўйича 15 давлат сирасига киришни шарт қилиб қўйган эди. Бу борада улар мақсадларига етдилар. Олтин медаль совриндори бўлган рус чемпионига эса 250 минг доллар мукофот белгиланган. Бу пулдан 50 минги спорт федерацияси ҳисобига, 100 минги Олимпияда қўмитаси ҳисобига ўтказилади. Демак, спортчи 100 минг доллар соҳибига айланади. Агар у охирги марта Олимпиадада қатнашган бўлса, унга 200 минг доллар берилади. Агар рус спортчиси Олимпиада рекордини ўрнатишга муваффақ бўлса, унга қўшимча 50 минг доллар мукофот берилади. АҚШ Олимпия қўмитаси эса олтин медаль учун борйўғи (ҳар ҳолда Россия билан таққослаганда) 25 минг, кумуш медалга 15 минг, бронза учун эса 10 минг доллар мукофот пули ажратган. Америка сузувчилар қўмитаси олтин медаль соҳибига қўшимча 25 минг доллар беради.

Ҳамма ҳолатда ҳам спортчилар пул учун ҳаракат қилишмайди. Эронлик Ҳусайн Ризозода Греция фуқаролигига эга. 2000 йил Сиднейда 3 та музлатгич оғирлигига тенг келувчи тош кўтариб, Олимпия рекордини ўрнатган эди. Бу йилги мусобақалар олдидан юнонларнинг 25 минг долларлик таклифини рад этиб, Эрон умумжамоаси ҳисобидан чиқишини маълум қилди. Таиландлик оғир атлетикачи аёл Удомпорт Полсак олтин медаль соҳибасига айланса, Таиланд бош вазири ҳисобидан 24 минг доллар олиши мумкин эди. Бироқ бу пулнинг ўрнига отаси ва бобосининг ибодатхонадаги шукронасини афзал билди. Ҳозир Афинада 25 нафар ироқлик медаль учун курашяпти. Ироқ ҳукумати олтин медаль учун 25 минг доллар мукофот ваъда қилган. Бу ваъдани бажариш учун ҳукуматга хориждан молиявий ёрдам керак бўлади. Филиппинликлар Олимпия тарихида ҳали биронта олтин медални қўлга киритишмади. Улар буни шундай исташадики, ҳатто унинг учун 125 минг доллар мукофот пули беришга ҳам розилар.

Олтин медалга интилиш Эверестга чиқишни орзу қилаётган альпинистнинг ҳаракатларини эслатади. Агар умид пучга чиқса, бундан ортиқ бахтсизлик йўқ. Таниқли румин гимнастикачи аёли Ианна Петрович Сиднейда кумуш медаль соҳибаси бўлганди. Ўтган йили у мусобақаларга тайёрланаётиб, оғир жароҳат олди. «Ёлғиз умидим сўнди, мусобақадан медаль билан қайтиб, онамни хурсанд қилмоқчи эдим», дейди у кўзларида ёш билан. Медаль соҳибаси бўлиш билан бирга Петрович оиласини оғир молиявий аҳволдан қутқармоқчи эди.

Моҳира ШОДМОНОВА тайёрлади

O'tgan yili nyu-yorklik 24 kishi 66,5 soatlik kinomarafon tomoshabiniga aylangan bo'lsa, Fadiz Usenning natijasi ularnikidan ancha yuqori.

Ajoyibotlar olamida

ЭНГ КАТТА ИЛОНЛАР

Дунё минтақаларида мавжуд илонларнинг 2000 дан ортиқ турлари бўлиб, улар катта, кичик, ўртача узунликларда бўлиши мумкин.

Дунёда энг катта илон шоҳ питонидир. Унинг узунлиги 10 метр бўлиб, асосан Малакка ярим оролида, шунингдек, Бирма, Ҳинди-Хитой ва Филиппин оролларида жуда кўп учрайди.

Жанубий Америка тропикларида яшайдиган анакондаларнинг узунлиги 7 метргача бўлади. Ҳиндистон ва Малакка ярим оролларида яшайдиган илонлар 6—7 метргача узунликда бўлади.

Хўш, кўзойнакли илоннинг узунлиги-чи? Унинг узунлиги 5—5,5 метрдан ошмас экан. Шақилдоқ илоннинг энг узуни 2 метр бўлар экан.

Африка, Австралия, Янги Гвинеяда яшайдиган олмос питонларнинг энг узуни 6—6,5 метргача бўлади.

Илонларнинг оғирлигига келганда, анакондага етадигани йўқ. У дунёда энг оғир бўлиб, 160 килогача келади. Бироқ, узунлиги эса 7 метрдан ошмайди.

Питонларнинг энг оғири 45 кг бўлиб, оғирлиги жиҳатдан 2-ўринни эгаллайди.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА КУТУБХОНАЧИЛАР ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!!!

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти томонидан 2004-2005 ўқув йили учун қуйидаги дарсликлар чоп этилди:

Ўзбек мактаблари учун:

1. О.Каримова "Конституция алифбоси" 2-3-4-синф
2. В.Костецкий "Конституция оламига саёҳат" -5-6-7-синф
3. "Жаҳон тарихи" -7-синф
4. "Чизмачилик" -8-синф
5. "Ўзбекистон тарихи" -8-синф
6. "Чизмачилик" -9-синф
7. "Конституциявий ҳуқуқ асослари" 9-синф
8. "Умумий биология" -10-синф
9. "Ҳуқуқшунослик" -10-синф учун
10. Г.Ҳидоятов "Жаҳон тарихи" 10-синф
11. Д.Алимова "Ўзбекистон тарихи" 10-синф
12. "Жаҳон тарихи" -11-синф
13. "Ўзбекистон тарихи" 11-синф
14. "Ҳуқуқшунослик" (кирилл) 10-11- синф
15. "Умумий биология" (кирилл) 10-11-синф

Рус мактаблари учун:

1. В.Костецкий "Азбука конституции" 2-3-4-класс
2. "Русский язык" 4-класс
3. С.Зинин и др. "Русский язык" 6-класс
4. В.Костецкий "Путишествие в мир конституции" 5-6-7-класс
5. "Литература" 6-класс
6. "Всемирная история" -7-класс
7. "Русский язык" 7-8-класс
8. "История Узбекистана" 8-класс
9. "Основы конституционного права" 9-класс
10. "Общая биология" 10-11 класс
11. "Русский язык" 10-11-класс
12. Коллектив "Правоведение" 10-11 класс
13. Г.Хидоятов "Всемирная история" 10-класс
14. "История Ўзбекистана" 10 класс
15. "Всемирная история" 11-класс
16. "История Узбекистана" 11-класс

Дарсликлар тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тилларида ҳам мавжуд. Сиз ушбу дарсликларни ҳамда бадиий, иқтисодий ва маърифий мавзудаги, шунингдек, болалар учун нашр этилган янги алифбодаги китобларни "Шарқ зиёкори" китоб дўкони ва унинг вилоятлардаги филиаллари орқали чекланмаган миқдорда нақд ёки пул ўтказиш йўли билан улгуржи харид қилишингиз мумкин. Улгуржи харидорларга чегирма (скидка) берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26, "Шарқ зиёкори" китоб дўкони (мўлжал: Алишер Навоий номидаги театр),
тел: 133-58-72, 133-35-90

Вилоятларда:

Бухоро шаҳри, Иқбол кўчаси 11-уй, тел: 22-37-596
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси (Оқ бозор биноси), тел: 226-42-93.
Андижон шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 71. тел: 25-38-93.
Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15.
Тел: 33-23-8-68.
Наманган шаҳри, Ахси кўчаси, (Сардоба бозори ёнида) тел: 6-48-31.
Хива шаҳри, Қўриқхона "Ичан-Қалъа", тел: 5-36-52.
Навоий шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 14, тел: 223-01-30.
Қарши шаҳри, 7-микрорайон, 9-уй, тел: 227-66-44.
Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Янгиқўрғон қишлоғи, Навоий кўчаси, 1, тел: 92-942.
Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги "Илм шулъаси" ОАЖ бозори.

Биз билан ҳамкорлик қилишга шошилинг! Нархлар сизни қаноатлантиради!

Xullas...

ҲАСАН ОҒА ОЗМОҚЧИ

Жанубий Қозоғистоннинг Тўрткўл овул округида истиқомат қилаётган Ҳасан Тўғизбоевнинг вазни 200 килодан 300 килога етди! Кундан-кунга «тарвақайлаб» бораётган бу киши Ер юзидаги энг улкан одамлар рўйхатидан жой олиши, шубҳасиз.

Ҳаммаси рисоладагидек эди, туғилиши, улғайиши, уйланиши ва фарзандлик бўлиши. Авлодида бу қадар семизлар ҳам ўтмаган. Ҳасан асфальт заводида механик бўлиб ишлар, қўли гул киши эди. Завод ёпилди-ю барча ишчилар қатори Ҳасан ҳам ишсиз қолди. Ҳамма бало шундан сўнг бошланди. 100 кило вазндаги бақувват бу эркак қандайдир физиологик сабабларга кўра, 32 ёшидан бошлаб кун сайин, соат сайин семира бошлади.

Ҳозир у юролмайдиган, туролмайдиган даражага келиб қолди. Тўрт фарзанди, хотини атрофида парвона. Яқинда Чимкентга бир амаллаб бориб келган Ҳасан Тўғизбоев қандли диабет деган ташхис билан уйига қайтди. Қандай қилиб озишим мумкин, менга ёрдам беринг, дея оҳ-воҳ қилганида шифокорлар елка қисишди...

ТЕЛЕЭКРАН ҚАРШИСИДА 72 СОАТ

Сингапур миллий университетининг талабаси, 24 ёшли Фадиз Усен 72 соат мобайнида телеэкран қаршисидан жилмай кино томоша қилиб, рекорд натижа кўрсатди. Бу вақт орасида у 60 та кино асар томоша қилишга муваффақ бўлди. Фильмлар орасидаги танаффус вақти 5 дақиқадан.

Ўтган йили нью-йорклик 24 киши 66,5 соатлик киномарафон томошабинига айланган бўлса, Фадиз Усеннинг натижаси уларникидан анча юқори. У фильмлар ҳақидаги барча саволларга жавоб бера олади. Унга 11 минг АҚШ доллари соврин қилиб берилиши ва Гиннеснинг рекордлар китобига киритилиши матбуотда эълон қилинди.

ana shunaqa gaplar

«ПАРВОНА» КРОССВОРДИ

БЎЙИГА: 1. Уқубат, қийноқ. 2. Бечора, фақир, мискин. 3. Қўрқмас, мард. 5. Суғорилмайдиган ер. 7. Қўшиқлар хит-...и. 8. Инсон аъзоси. 13. Катта эшик. 14. "Хурмача"нинг яратувчиси. 15. Қуритилган узум. 16. Халқ оғзаки жанри, айтишув. 17. Куй, наво. 18. Томир. 19. Ҳол, ҳолат. 20. Хон саройи. 21. Хуррам, хурсанд. 27. Машҳур футбол шарҳловчиси — ... Имомхўжаев. 28. Кема қисми. 30. Кошшейнинг лақаби. 31. Қадимий мато тури. 32. Муҳит, теварак. 33. Жўғрофий хариталар тўплами ёки миллий мато. 37. Ҳийла, найранг.

ЭНИГА: 2. Қаҳр, жаҳл. 4. Узун эмас, қисқа. 5. Жуда ҳам оқ. 9. Темир одам. 10. Мазах, "йиғи"нинг зиди. 11. Эътироф. 12. "Оловуддиннинг сеҳрли чироғи"даги шоҳ қизи. 14. Мукаммал. 17. Жума куни туғилган қиз исми. 20. Тангрининг тахти. 22. Юртимиздаги тоғ тизмаси ёки Тошкент бозорларидан бири. 23. Уйғуннинг машҳур драмаси ёхуд шамнинг "ошиғи". 24. "Асал минг дардга ...". 25. Сонли махсус белги. 26. Инсон кашф этган нур. 29. Чиройли, лобар. 32. Ҳайитдан олдинги кун. 34. Автобусларнинг тўхташ жойи. 35. Соҳибқирон. 36. Аёллар бош кийими. 38. Хорижий фермер хўжалиги. 39. Надомат. 40. Кўз бойлоғичлик "мева"си.

Тузувчи: Давронбек ТОЖИАЛИЕВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида № 024 рақам билан 2003 йил 17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-929.
Тиражи 21117. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир: Насиба ЭРҲОНОВА.
Навбатчи: Шерали НИШОНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ *белгиси остида реклама материаллари берилади.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.